Адабиётлар ва интернет сайтлари:

1. Dileep Kumar G, Manoj Kumar Singh and M.K. Jayanthi. Network Security Attacks and Countermeasures. Indexed In: SCOPUS |Copyright: © 2016 |Pages: 357
2. Phillip Ferraro. Cyber Security: Everything an Executive Needs to Know. Hardcover – July 6, 2016.
3. https://ichip.ru/sovety/chto-takoe-kompyuternyjj-virus-prosto-o-slozhnom-223382
4. https://www.kaspersky.ru/resource-center/threats/computer-viruses-and-malware-facts-and-faqs

3-маъруза. Ҳужумлар турлари. Ҳужумларни аниқлаш ва бартараф этиш (IDS/IPS) воситалари. Тармоқлараро экран ва виртуал ҳимояланган тармоқ. (4 соат)

Режа:

3.1. Ҳужумлар турлари: DoS/DDoS, Spoofing, Fishing, UDP Flood ҳужумлар, HTTP Flood ҳужумлар.
3.2. Ҳужумларни аниқлаш ва бартараф этиш (IDS/IPS) воситалари.
3.3. Тармоқлараро экран технологияси.
3.4. VPN (Виртуал ҳимояланган тармоқ).

Таянч иборалар: *DoS/DDoS, Spoofing, Fishing, UDP Flood ҳужумлар,*

HTTP Flood, VPN (Виртуал ҳимояланган тармоқ).

3.1. Ҳужумлар турлари: DoS/DDoS, Spoofing, Fishing, UDP Flood ҳужумлар, HTTP Flood ҳужумлар

DoS (Denial of Service) ҳужум - инглизча “хизматдан воз кечиш”) - компютер тизимига хакерлик ҳужуми, уни муваффақиятсизликка олиб келиши, яъни тизимнинг тўғри фойдаланувчилари тақдим этилган тизим ресурсларига (серверларига) кира олмайдиган шароитларни яратишдир.



3.1-расм. DoS ҳужум схемаси

Бир вақтнинг ўзида кўп сонли компютерлардан амалга оширилса, у **DDoS (Distributed Denial of Service),** яъни **“**Тарқалган хизматдан воз кечиш” хужуми деб аталади.



3.2-расм. DDoS ҳужум схемаси



3.3-расм. DDoS ҳужуми.

DDoS ҳужумининг аломатлари

- тармоқнинг ғайриоддий секин ишлаши (файлларни очиш ёки веб-сайтларга кириш);
- маълум бир веб-сайтнинг мавжуд эмаслиги;
- ҳар қандай веб-сайтга кира олмаслик;
- қабул қилинган спам-хабарлар сонининг кескин ўсиши (DDoS ҳужумининг бундай тури электрон почта бомбаси деб ҳисобланади).

DDoS ҳужумининг турлари

1. DNS серверга ҳужум.
2. Инфраструктурага ҳужум.
3. Гидриб ҳужумлар.
4. Илова сатҳига ҳужум.

DDoS ҳужумининг модели

$DDoS = N \times P \times B$

N =қурилмалар сони;

P =қурилмалар унумдорлиги;

B =Интернетга уланиш тезлиги.



3.4-расм. DDoS ҳужумлардан ҳимоялаш хизмати.

SPOOFING

Тармоқ хавфсизлиги нуқтаи назаридан, Spoofing ҳужуми - бу бирон бир шахс ёки дастур муваффақиятли маълумотни сохталаштириш орқали ўзини бошқаси сифатида кўрсатадиган ва ноқонуний афзалликларга эришишга имкон берадиган вазият.



3.5-расм. IP SPOOFING

IP Spoofing - бу жўнатувчининг шахсини яшириш, бошқа компютер тизимини яшириш мақсадида ўзгартирилган манзили бўлган Интернет протокол (IP) пакетларини яратиш.



3.6-расм. IP SPOOFING

ARP SPOOFING

ARP Spoofing - бу MITM (Man in the middle) каби ARP протоколи ёрдамида тармоқларда ишлатиладиган ҳужум. Асосан Ethernet тармоқларида ишлатилади. Ҳужум ARP протоколидаги камчиликларга асосланган.

Масофавий қидириш алгоритмлари тақсимланган ҳисоблаш тармоғида фойдаланилганда, бундай тармоқда одатда "тақсимланган ҳисоблаш тизимининг сохта объекти" масофавий ҳужумни амалга ошириш мумкин. ARP протоколи хавфсизлигининг таҳлили шуни кўрсатадики, берилган тармоқ сегментидаги ҳужум қилувчи хостга ARP сўровига халақит қилиш орқали нотўғри ARP жавобини юбориш мумкин, унда у ўзини мақсадли мезбон деб эълон қилади (масалан, ёриқнома) ва кейин нотўғри маълумот берилган хостнинг тармоқ трафигини фаол равишда кузатиб бориши мумкин.



3.7-расм.

PHISHING (Фишинг)

Phishing - бу фойдаланувчини паролини, кредит карта рақамини ва бошқа махфий маълумотларни аниқлашда фойдаланадиган усулларнинг тўплами. Кўпинча тажовузкорлар таниқли ташкилотларни электрон почта ёки телефон қўнғироқлари ўзлаштирадилар.



3.8-расм.

PHISHING (Фишинг) турлари:

1. Ижтимоий инжинерия.
2. Фирибгарлик орқали фишинг - фирибгарлар бир неча соат ичида миллионлаб электрон почта манзилларини ушбу усулга асосланган хабарлар билан спам қилишлари мумкин.
3. Фарминг - ушбу усулдан фойдаланиб, Фармерлар шахсий маълумотларни хат ва ҳаволадан эмас, балки тўғридан-тўғри расмий веб-сайтдан олишади. Фермерлар DNS серверидаги расмий веб-сайтнинг рақамли манзилини бузилган сайтнинг манзилига ўзгартирадилар ва натижада бепарво фойдаланувчи сохта сайтга йўналтирилади.
4. Вирусларни тарқатилиши.
5. Вишинг - маълумот олиш учун телефон алоқасидан фойдаланган ҳолда фишинг усули.

SYN Flood ҳужумлари



3.9-расм. Ҳужумларни амалга оширишда TCP-уланиш схемаси



3.10-расм.

Flood ҳужумларни баҳолашда математик моделларнинг қўлланилиш усуллари.

Кириш оқимининг интенсивлиги $\lambda = \lambda_0 + \lambda_F$ бўлса,

бу ерда $\lambda_0 -$ оқим интенсивлиги конуний фойдаланувчи томонидан яратилган, $\lambda_F -$ қалбаки пакетлар окими учун интенсивлик.

Бунда қалбаки пакетнинг эхтимоллиги (калбаки пакетларнинг кисми):

$$p_F = \frac{\lambda_F}{\lambda}$$

У ҳолда асл пакет:

$$p_0 = \frac{\lambda_0}{\lambda}$$

Қонуний фойдаланувчиларнинг пакети, ярим очиқ уланишлар навбатини μ_0 интенсивлиги билан тарк этади.

Уларнинг ярим очик уланиш навбатлари келиши тасодифий ва экспоненциал қонун бўйича таксимланган:

$$F(x) = 1 - e^{-\mu_0 x}$$

3.1-жадвал.

Flood ҳужумларни аниқлашнинг интеллектуал усулларини таққослаш

Хусусиятлар / **Усул**	Аниқланган ҳужумларни аниқлаш имкониятлари	Янги ҳужумларни аниқлаш имкониятлари	Кенгайиши	Оддий созлаш
Эксперт тизимлар	±	±	±	–
Сунъий нейрон тармоқлар	+	±	+	–
Корреляцион таҳлил	±	±	+	+
Сигнатурали таҳлил	+	–	+	+
Маҳсулотлар	+	±	+	–
Динамик эшиклар усули	±	–	±	+
Ечим дарахти ва қўллаб-қувватловчи вектор усули	+	±	+	+

3.2. Ҳужумларни аниқлаш ва бартараф этиш (IDS/IPS) воситалари



3.11-расм. Ҳужумларни амалга ошириш этаплари бўйича ҳужумларни аниқлаш тизимини классификацияси.



3.12-расм. Ҳужумларни аниклаш тизимини мавжуд технологиялари

3.2-жадвал.

Ҳужумларни аниқлаш усулларини таққослаш натижалари

Критериялар/ усуллар	Мониторинг даражаси	Аномаллар/ Суистеъмоллар	Текширув	Мослашувчанлик	Барқарорлик	Хисоблаш мураккаблиги
Тизимга ўтиш	Hybrid	-/+	+	-	+	O(n)
Графика хужумлари	Hybrid	-/+	+	+	+	NP
Нейрон тармоқлар	NIDS, HIDS	+/+	-	+	-	O(n) ва юқори
Иммун тармоқлар	NIDS, HIDS	+/+	-	+	-	O(n) ва юқори
SVM	NIDS, HIDS	+/+	-	+	-	ln(n)
Эксперт тизимлар	NIDS, HIDS	+/+	+	+	+	Одатда NP
Спецификациялар	HIDS	-/+	+	-	-	ln(n)
MARS	NIDS, HIDS	-/+	-	+	-	O(n) ва юқори
Сигнатурали усул	Hybrid	-/+	+	-	+	ln(n)
Статистик усуллар	NIDS, HIDS	+/-	-	+	-	O(n) ва юқори
Кластерли таҳлил	Hybrid	+/+	-	+	-	O(n) ва юқори
Хулқ атвор биометрияси	HIDS	-/+	-	+	-	O(n) ва юқори

Ҳужумни аниқлаш тизими фаолиятининг UML-диаграммаси





3.3. Тармоқлараро экран технологияси

Пакетларни фильтрлаш

Бу технология олдин фақат тармоқ сатҳида IP адрес манбаи ва қабул қилувчи манзилларини фильтрлаш орқали амалга оширилганлиги сабабли фақат тармоқ сатҳида қўлланилган. Ҳозирги вақтда транспорт сатҳида ҳам пакетларни фильтрлаш орқали тармоқ трафиги таҳлил қилинади. Ҳар бир IP-пакет кўпгина қоидаларга мувофиқ текширилади. Бу қоидалар TCP/IP модели тармоқ ва транспорт сатҳида сарлавҳа таркибига асосланган ҳолда алоқа ўрнатади, таҳлил қилади ва пакетлар ҳаракатини йўналишларини белгилайди.

Пакет фильтрлари қуйидагиларни назорат қилади:

- Физик интерфейс, пакет қаердан келади;
- Манбанинг IP манзили;
- Қабул қилувчининг IP манзили;
- Транспорт сатҳи турига кўра (TCP, UDP, ICMP);
- Манба ва қабул қилувчи транспорт портлари.

Пакетларни фильтрлаш архитектурасининг схемаси



3.13-расм.

Пакетларни фильтрлаш жараёни

Фильтрлаш жараёнида пакетлар агар қоидаларга мувофиқ келса, у кейинги ишлов ёки узатиш учун тармоқ стекига ўтказилади. Барча кирувчи пакетлар фильтрлашнинг берилган қоидасига мувофиқ текширилади. Бунда пакет йўқотилади ёки тармоқ стекига уни етказиб бериш учун узатилади. Пакет фильтрлари қандай амалий протоколлар қўлланилишини ҳал қила олмайди. Қоидаларнинг иккита руйхати мавжуд: таъқиқлаш руйхати (deny) ва рухсат этиш руйхати (permit). Тармоқ пакетлари иккала руйхат текширувидан ўтади.

Пакетлар текширувининг умумий схемаси:

- агар қоидалар рухсат берса, пакет узатилишга рухсат берилади;
- агар қоидалар таъқиқласа, бу ҳолатда пакет йўқ қилинади;
- агар битта ҳам қоида қўлланилмаса, пакет йўқ қилинади.

Филтрлашда пакетларни қайта ишлаш схемаси



3.14-расм.

Сеанс сатҳи тармоқлараро экранлари

Ушбу ТЭлар ҳақиқатан пакет TCP боғланиш сўрови эканлигини ёки ўрнатилган боғланиш маълумотларини тақдим этаётганлигини ёки икки транспорт сатҳи орасида виртуал боғланишига тегишли эканлигини текширади. Боғланиш ўрнатилгандан сўнг жадвал қўйидаги маълумотларни ўзида сақлайди:

- сеанс идентификатори;
- боғланиш ҳолати(қўл сиқишиш, ўрнатилган, ёпилган);
- ахборотлар кетма кетлиги(олдинги байтларнинг рақам кетма кетлиги, байроқ ҳолати ва б.);
- манба ва қабул қилувчининг IP манзили;
- портлар рақами, сеанс қатнашчилари;
- физик интерфейс, пакет қаерга келиб тушади;
- физик интерфейс, пакет қаерга узатилади.

Сеанс сатҳида функциялашган тармоқлараро экран схемаси



3.15-расм.

Амалий сатҳ тармоқлари экранлари

Ушбу ТЭ лар боғланиш ўрнатишдан олдин тармоқ пакетларини айнан амалий сатҳга мослигини баҳолайди. Улар амалий сатҳдаги барча тармоқ пакетлари маълумотларни таҳлил қилади ва ахборотлар кетма кетлигини ҳамда тўлиқ (тугатилган) ҳолдаги боғланишни ўрнатади. Шу билан бирга, ТЭлар хавфсизликнинг бошқа параметрлари, яъни амалий сатҳнинг ички маълумотларини ташкил этувчилари (пароллар, хизмат сўровлари)ни ҳам текширади.

Амалий сатҳнинг кўпгина ТЭ лари махсуслаштирилган дастурий таъминот ва proxy хизматларни ўз ичига олади. Функциялашган proxy хизмат схемаси қуйидаги расмда кўрсатилган.

Функциялашган proxy хизмати схемаси:

1-ишчи станция, 2-сервер



3.16-расм.

Амалий сатҳда функциялашган тармоқлараро экран схемаси



3.17-расм.

Трафикни фильтрлаш қоидаларида аномалияларни аниқлаш модуллари



Трафикни фильтрловчи тармоқлараро экраннинг концептуал модели



3.4. VPN (Виртуал ҳимояланган тармоқ)

Internetнинг ҳамма ерда тарқалишидан манфаат кўриш мақсадида тармоқ хужумларига самарали қаршилик кўрсатувчи ва бизнесда очиқ тармоқлардан фаол ва хавфсиз фойдаланишга имкон берувчи виртуал хусусий тармоқ VPN яратиш устида ишлар олиб борилди. Натижада 1990 йилнинг бошида виртуал хусусий тармоқ VPN концепцияси яратилди. "Виртуал" ибораси VPN атамасига иккита узел ўртасидаги уланишни вақтинча деб кўрилишини таъкидлаш мақсадида киритилган Ҳақиқаттан, бу уланиш доимий, қатъий бўлмай, фақат очиқ тармоқ бўйича трафик ўтганида мавжуд бўлади.

Ахборотни VPN туннели бўйича узатилиши жараёнидаги ҳимоялаш қуйидаги вазифаларни бажаришга асосланган:

- ўзаро алоқадаги тарафларни аутентификациялаш;
- узатилувчи маълумотларни криптографик беркитиш (шифрлаш);
- етказиладиган ахборотнинг ҳақиқийлигини ва яхлитлигини текшириш.

Виртуал ҳимояланган тармоқнинг туннел схемаси



3.18-расм.



3.19-расм.

Масофадан рухсат бериш орқали ташкил қилинган VPN (Remote Access)



Корпорацияларо VPN тармоғи (extranet)



3.19-расм.

Маршрутизаторлар асосидаги VPN

VPN қуришнинг ушбу усулига биноан ҳимояланган каналларни яратишда маршрутизаторлардан фойдаланилади. Локал тармоқдан чиқувчи барча ахборот маршрутизатор орқали ўтганлиги сабабли, унга шифрлаш вазифасини юклаш табиий. Маршрутизатор асосидаги VPN асбоб-ускуналарига мисол тариқасида Cisco-Systems компаниясининг қурилмаларини кўрсатиш мумкин.

Cisco маршрутизаторлари асосида корпоратив VPN тармоғини қуришнинг намунавий схемаси



Тармоқлараро экранлар асосидаги VPN

Аксарият ишлаб чиқарувчиларнинг тармоқлараро экрани туннеллаш ва маълумотларни шифрлаш вазифаларини мададлайди. Тармоқлараро экранлар асосидаги ечимга мисол тариқасида Check Point Software Technologies компаниясининг Fire Wall-1 маҳсулотини кўрсатиш мумкин. Шахсий компьютер асосидаги тармоқлараро экранлар фақат узатилувчи ахборот ҳажми нисбатан кичик бўлган тармоқларда қўлланилади. Ушбу усулнинг камчилиги битта ишчи ўрнига ҳисобланганда ечим нархининг юқорилиги ва унумдорликнинг тармоқлараро экран ишлайдиган аппарат таъминотига боқлиқлиги.

Check Point FW-1/VPN-1 асосида корпоратив VPN тармоғини қуриш схемаси



3.20-расм.

Дастурий таъминот асосидаги VPN

Дастурий усул бўйича амалга оширилган VPN маҳсулотлар унумдорлик нуқтаи назаридан ихтисослаштирилган қурилмадан қолишсада, VPN-тармоқларни амалга оширилишида етарли қувватга эга. Таъкидлаш лозимки, масофадан фойдаланишда зарурий ўтказиш полосасига талаблар катта эмас. Шу сабабли, дастурий маҳсулотларнинг ўзи масофадан фойдаланиш учун етарли унумдорликни таъминлайди. Дастурий маҳсулотларнинг шубҳасиз афзаллиги-қўлланилишининг мосланувчанлиги ва қулайлиги, ҳамда нархининг нисбатан юқори эмаслиги.

Ихтисослаштирилган аппарат воситалари асосидаги VPN

Ихтисослаштирилган аппарат воситалари асосидаги VPNларнинг энг муҳим афзаллиги унумдорлигининг юқорилигидир.

Ихтисослаштирилган VPN тизимларда шифрлашнинг микросхемаларда амалга оширилиши тезкорликнинг таъминланишига сабаб бўлади

Ихтисослаштирилган VPN-қурилмалар хавфсизликнинг юқори даражасини таъминлайди, аммо уларнинг нархи анчагина юқори.

Ихтисослаштирилган аппарат воситалар асосида туннеллаш схемаси



3.21-расм.

OSI моделининг иш сатҳи бўйича VPNнинг туркумланиши

Канал сатҳидаги VPN

OSI моделининг канал сатҳида ишлатилувчи VPN воситалари учинчи (ва юқорироқ) сатҳнинг турли хил трафигини инкапсулациялашни таъминлашга ва "нуқта-нуқта" тилидаги виртуал туннелларни (маршрутизатордан маршрутизаторга ёки шахсий компьтердан локал ҳисоблаш тармоғининг шлюзигача) қуришга имкон беради.

Тармоқ сатҳидаги VPN

Тармоқ сатҳидаги VPN-маҳсулотлар IPни IPга инкапсуляциялашни бажаради. Бу сатҳдаги кенг тарқалган протоколлардан бири SKIP протоколидир. Аммо бу протоколни аутентификациялаш, туннеллаш ва IP-пакетларни шифрлаш учун аталган IPSec(IPSecurity) протоколи аста-секин суриб чиқармоқда.

Сеанс сатҳидаги VPN

Баъзи VPNлар "канал воситачилари" (circuit proxy) деб аталувчи усулдан фойдаланади. Бу усул транспорт сатҳи устида ишлайди ва ҳар бир сокет учун алоҳида трафикни ҳимояланган тармоқдан умумфойданувчи Internet тармоғига ретрансляциялайди. (IP сокети TCP-уланишнинг ва муайян порт ёки берилган порт UDP комбинацияси орқали идентификацияланади. TCP/IP стекида бешинчи-сеанс сатҳи бўлмайди, аммо сокетларга мўлжалланган амалларни кўпинча сеанс сатҳи амаллари деб юритишади).

PPTP туннели бўйича жўнатилади пакет тузилмаси



PPTP протоколи архитектураси

Назорат саволлар:

1. DoS ва DDoS ҳужумлари тушунтириб беринг?
2. DDoS ҳужуми схемасини тавсифлаб беринг?
3. DDoS ҳужумлардан ҳимоялаш хизмати изоҳлаб беринг?
4. Spoofing нима?
5. IP Spoofing ва ARP Spoofing ни тушунтириб беринг?
6. Фишинг ва унинг турларини санаб ўтинг?
7. Ҳужумларни амалга оширишда TCP-уланиш схемасини тавсифлаб беринг?
8. Ҳужумларни амалга ошириш этаплари бўйича ҳужумларни аниқлаш тизими классификациясини тушунтириб беринг?
9. Ҳужумни аниқлаш тизими фаолиятининг UML-диаграммасини тавсифлаб беринг?
10. Ҳужумларни аниқловчи тизимларни тестлаш бўйича методик тавсияларни изоҳлаб беринг?
11. Пакетларни фильтрлаш архитектурасининг схемасини тушунтириб беринг?
12. Сеанс ва амалий сатҳлар тармоқлараро экранлари изоҳлаб беринг?
13. Трафикни фильтрлаш қоидаларида аномалияларни аниқлаш модулларини санаб ўтинг?
14. Трафикни фильтрловчи тармоқлараро экраннинг концептуал моделини тавсифлаб беринг?
15. Виртуал ҳимояланган тармоқнинг туннел схемаси тушунтириб беринг?

Адабиётлар ва интернет сайтлари:

1. Dileep Kumar G, Manoj Kumar Singh and M.K. Jayanthi. Network Security Attacks and Countermeasures. Indexed In: SCOPUS |Copyright: © 2016 |Pages: 357
2. Phillip Ferraro. Cyber Security: Everything an Executive Needs to Know. Hardcover – July 6, 2016.
3. https://ichip.ru/sovety/chto-takoe-kompyuternyjj-virus-prosto-o-slozhnom-

223382
4. https://www.kaspersky.ru/resource-center/threats/computer-viruses-and-malware-facts-and-faqs

IV БЎЛИМ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот
Хавф-хатарларни баҳолаш усуллари (2 соат)

Ишдан мақсад – киберхавфсизликни таъминлашда рискларни аниқлаш ва уларни баҳолаш бўйича билим, кўникма ва компетенцияларини такомиллаштириш.

Назарий маълумот.

Риск бу - белгиланган шароитларда таҳдиднинг манбаларга потенциал зарар етказилишини кўтиш.

Бундан танқари, рискни қуйидагича тушуниш мумкин:

Риск бу - ички ёки танқи мажбуриятлар натижасида таҳдид ёки ҳодисаларни юзага келиши, йўқотилиши ёки бошқа салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган воқеа.

Риск бу - манбага зарар келтирадиган ички ёки танқи заифлик таъсирида таҳдид қилиш эҳтимоли.

Риск бу - воқеа содир бўлиши эҳтимоли ва ушбу ҳодисанинг ахборот технологиялари активларига таъсири.

Риск, таҳдид, заифлик ва таъсир ўртасидаги боғланиш қуйидагича:

Риск = Таҳдид ×Заифлик ×Таъсир

Ҳодисанинг ахборот активига таъсири бу – активдаги ёки манфаатдор томонлар учун активнинг қийматидаги заифликнинг натижаси.

АТ риски қуйидагича кенгайтирилиши мумкин:

РИСК = Таҳдид ×Заифлик ×Актив қиймати

Риск қуйидаги икки факторнинг мужассамлашганидир:

- зарарли ҳодисани юзага келиш эҳтимоли;
- зарарли ҳодисанинг оқибатлари.

Рискнинг даражалари

1. Рисклар тизимда кутилаётган таъсирига боғлиқ ҳолда турли сатҳларда гуруҳланади.
2. Рискларнинг таъсир даражаси активнинг ва таъсир қилган ресурслар қиймати ва зарарнинг жиддийлигига боғлиқ бўлади.

Риск даражаси	Ҳаракати
	Рискларга қарши зудликда чора кўриш зарур
Юқори	Рискни етарлиича паст даражагача тушириш учун назоратлаш воситаларини аниқлаш ва ўрнатиш керак.
	Зидлик билан чора кўриш талаб этилмасада, қисқа вақтда қарши
Урта	Ҳаракатларни қўллаш зарур;
	Рискни етарлиича паст даражагача тушириш учун имкони борича назоратни амалга ошириш керак.
Қуйи	Риск таъсирини камайтириш учун профилатика чораларини кўриш зарур.

Рискни бошқариш

Рискни бошқаришдан мақсад	**Рискни бошқариш афзаллиги**
• Потенциал рискларни аниқлаш; • Рискни таъсирин аниқлаш ва ташкилотга унга қарши курашишда ёрдам бериш; • Рискнинг жиддийлик даражасига кўра рискларни баҳолашнинг усул, восита ва технологияларини ўрнатиш; • Риск ва риск ҳодисаси баёнини тушуниш ва таҳлил қилиш; • Рискни назоратлаш ва қарши чоралар кўриш.	• Потенциал рискни таъсир соҳасига қаратилган; • Рисклар даражасига кўра мурожаат қилиниши мумкин; • Рискларни тўтиш жараёнини яхшилайди; • Салбий ҳолатларда хавфсизлик ходимига самарали ҳаракат қилишга имкон беради; • Ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Муҳим риск кўрсаткичлари (МРК) рискларни бошқариш жараёнининг муҳим компоненти бўлиб, ҳаракатларни хавфлилигини кўрсатади.

- МРК ни аниқлаш учун ташкилот мақсадини тушуниш талаб қилинади.
- МРК - ташкилот учун риск эҳтимоли ўлчовидир.



Рискни бошқариш: Рискни аниқлаш

Ташкилот хавфсизлигига таъсир қилувчи ташқи ва ички рискларнинг манбаси, сабаби, оқибати ва ҳакларни аниқлаш.

Муҳитни ўрнатиш

- Ходимлар ташқи ва ички муҳитни аниқлайди ва ташкилотда амалга оширилган жорий муҳитни тушунади.

Рискларни санаш

- Рисклар таъсирини ҳисоблаш ва рисклардан кутилган натижаларни калибрлаш.
- Рискларни баҳолаш босқичи ташкилотнинг риск даражасини баҳолайди ва риск таъсири ва эҳтимолини ўлчашни таъминлайди.
- Рискларни баҳолаш босқичи такрорий жараён бўлиб, бу ҳимоя чораларини ўрнатишдан кейин ҳолат ўзгаришига асосланади.
- Рискларни баҳолашда риск қийматлари сон ва сифатга кўра баҳоланиши мумкин.

Рискни таҳлил қилиш

- Риск табийлигини аниқлайди;
- Рискни ошкор этиш сатҳини аниқлайди;
- Туғма ва назоратланган рискларни тушунишни таъминлайди.

Рискларни устуворлаштириш

- Рисклар устуворлаштирилади ва **жиддийлигига** қараб чоралар кўрилади;
- Рискларга жавоб беришни амалга оширишда **рискларни устуворлигига** эътибор қаратиш керак.

Рискни бошқариш: Рискни даволаш



Рискни бошқариш: Рискни даволаш босқичлари

Рискни камайтириш	Назоратлашни амалга ошириш орқали заифликларни бартараф этиш билан рискларни камайтириш.
Рискни трансфер қилиш	Рискни даволаш жавобгарлигини бошқа ташкилот ёки бўлимга трансфер қилиш.
Рискка қарши курашиш	Бевосита ёки танланган назоратни амалга ошириш орқали таҳдид ёки заифлик билан алоқадор рискларни камайтириш.
Рискни қабул қилиш	Рискларни бошқариш, трансфер қилиш ёки камайтириш ҳаракатлари тармоқдаги риск таъсиридан ошиб кетганда қабул қилинади.
Рискдан қочиш	Рискнинг сабаб ва оқибатини **камайтириш**
Рискни режалаштириш	Рискка қарши чоралар режаси, рискларни **устуворлаштириш**, **қарши чораларни** амалга ошириш орқали **рискларни бошқариш**.
Тақдиқот ва билимлар	Заифликларни тадқиқ қилиш ва уларни **бартараф этувчи** назоратни аниқлаш

Рискни бошқариш: Риск мониторинги ва кўриб чиқиш

Риск мониторинги

- Риск мониторинги **янги рискларни** пайдо бўлиш имкониятини аниқлайди.
- Риск мониторинги рискни тутувчи мос назорат усули **амалга оширилганлигини** кафолатлайди.
- Риск мониторинги шунингдек рискни эҳтимоли, таъсири, ҳолати ва ошкор бўлишини ўз ичига олади.

Рискни кўриб чиқиш

- Рискни кўриб чиқиш орқали амалга оширилган рискларни бошқариш стратегияси самарадорлиги **баҳоланади**.
- Риск баёни **топ рисклардан** огоҳ бўлишни бошқаришни кафолатлайди.

Корхонада ахборот хавфсизлиги инцидентларини тергов қилиш ва уларни

баҳолаш усуллари

Назарий қисм: Ички терговнинг мақсади – содир бўлган ходисада айбдорни топиш, юз берган ходисанинг сабабини аниқлаш, келажакда бундай ходисаларга дуч келмаслик учун талаб ва таклифлар ишлаб чиқиш. Ички тергов ўтказишнинг асосий вазифалари: ишчининг нима сабабдан, қандай вазият ва шароитда жиноят содир этганлигини аниқлаш; жиноятга дахлдор аниқ бир шахс ёки шахсларнинг айбдорлик даражасини аниқлаш; жиноят содир этиш турларини, сабабини ва шароитини бартараф этиш учун огоҳлантириш-профилактик турдаги тадбирлар ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш (1-расм).



1-расм. Корхонада ахборот хавфсизлиги инцидентларини тергов қилиш

Ахборот хавфсизлиги инцидентларини тергов қилиш, аниқлаш, тахлил қилиш ва бахолаш. Инцидентларга қарши чора кўришда бу босқичларнинг ўз вақтида бажарилиши ва хаққонийлигига қараб, унинг муваффаққиятли ишлашини таъминлаб бериш.

Жазонинг муқаррарлиги тамойилини амалга ошириш - юридик жавобгарлик самарадорлиги ва унинг вазифаларини бажаришда мухим шартлардан бири хисобланади.

Маъсулият муқаррарлиги принципи, шаҳснинг расмий ёки материал холатидан қатъи назар ўзи содир этган хуқуқбузарлиги учун белгиланган тартибда жазоланишини англатади. Жазонинг муқаррарлиги принципи маъсулият муқаррарлиги приниципи - айбсизлик презумпциясига зид бўлмаслиги керак. Жиноят содир этган ҳар бир айбланувчи унинг айбдорлиги қонунда кўрсатилган тартибда исботланмагунга ва қонуний кучга эга хукмда кўрсатилгунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Ички терговни ташкил этиш. Асосий босқичлар. Корхонада ички тергов ўтказишни ташкил этиш, ички хавфсизлик бўлими зиммасига юклатилади. Ички тергов ўтказиш учун корхона раҳбари томонидан комиссия ташкил этилади. Айрим

холларда тергов Ахборот хавфсизлиги назорати маркази мутахассиси томонидан ўтказилиши мумкин. Комиссия аъзолари сафига жиноятнинг хусусиятига қараб, корхонанинг ходимлар бўлими ишчилари ва бошқа идоравий бўлимларидан ишчи ходимлар киритилади. Комиссия ишининг бажарилиш муддати, тўлиқлиги ва холислиги раис томонидан ташкиллаштирилади, ходимлар томонидан бажарилади. Тергов ўтказиш муддати одатда корхона раҳбари томонидан кўрсатилади. Ички тергов натижалари тергов якунланганидан сўнг хизмат хужжатлари орқали расмийлаштирилади. Тергов материаллари ички хавфсизлик бўлимида бир неча йил давомида сақланади, ундан кейин архивга топширилади.

Ахборот хавфсизлиги бўйича юз берадиган омилларга асосланган, ахборот хавфсизлиги инцидентларини баҳолаш жараёнлари кўриб чиқилган. Ахборот хавфсизлиги инцидентларини баҳолаш ва уни дастурий амалга ошириш алгоритми таклиф этилган. Ахборот тизимлари сонининг ўсиши ва ахборот технологияларининг такомиллашгани сари, ахборот хавфсизлигидаги инцидентларнинг сони ҳам ортиб бормоқда. Ахборот хавфсизлиги инциденти деганда, бир ёки бир нечта ножўя ходисалар тизимнинг ахборот хавфсизлиги активларига таъсир этиб, бизнес жараёнларни узилишига олиб келиши ва салбий оқибатларга олиб келиши ва х.к тушунилади.

Халқаро стандарт ISO 27001:2005 ахборот хавфсизлиги инцидентларини бошқариш тартибини яратиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратади. Чунки, Ахборот хавфсизлигини самарали бошқариш учун инцидентларга ўз вақтида жавоб қайтариш, уларнинг сабаби ва келиб чиқадиган оқибатларнинг олдини олиш зарур.ISO/IEC 27035 халқаро стандарти ва ГОСТ Р ISO 18044:2007 миллий стандартда ахборот хавфсизлиги инцидентларини бошқариш жараёнлари келтирилган. хуқуқий-меъёрий хужжатлар, ресурслар, таъминлаш каби масалалар, хусусан ахборот хавфсизлиги инцидентлари таснифланиши, ахборот хавфсизлиги инцидентларини тартиблашда ролларни тақсимлаш кўриб чиқилади.

Айрим холларда корхонада ахборот хавфсизлиги инцидентларни аниқлаш методикаси йўқ, ишчилар хар доим хам ишдаги асосий вазифаларнинг узилишларига алоқадар бўлмаганлиги сабабли, қандай ходисалар ахборот хавфсизлиги инциденти эканлиги хақида билмайдилар. ахборот хавфсизлиги инцидентларини тахлил қилиш ва бахолаш хам, содир бўлган инцидент хақида маълумотнинг, унинг келиб чиқиш сабаби ва оқибатининг тўлиқ эмаслиги қийин бўлиши мумкин. Ахборот хавфсизлиги инцидентлари ва ходисаларининг актуал базасини яратиш ва таъминлаш эхтиёжи мавжуд. Ахборот хавфсизлиги инцидентлари ва ходисалари базаси ахборот хавфсизлиги инцидентларини тартиблвочиларнинг шаҳсий тажрибасига асосланиб яратилиши мумкин. Одатда корхона, хусусан йирик фирма, компанияларда содир этилган ахборот хавфсизлиги инцидентлар хақида маълумотлар, тизимга қайта хавфнинг олдини олиш мақсадида ва корхона обрўсига зарар етказмаслик мақсадида нашр этилмайди (2-расм).



2-расм. Ахборот хавфсизлиги инцидентларини қайта ишлаш

Лекин ахборот хавфсизлиги аналитиклари ахборот хавфсизлигини таъминлашда корхона кўрсатмасидан ташқари, ушбу инцидентлар содир бўлган муаммоларни ўрганиш, масалан, ишлаб чиқариш ва бошқа ташкилотларда, ахборот технологияларида топилган заифликлар ва муайян бир муддатдаги ахборот хавфсизлиги инцидентлари статистикаси хақида қисқача маълумот тақдим этишади. Бундай турдаги маълумотлар ахборот хавфсизлиги инцидентлари базасини актуал холатда сақлаб туриш учун базани доимий янгилаб туришда имкон яратади.

Ахборот хавфсизлиги инцидентларини тахлил қилиш ва бахолаш ахборот хавфсизлиги ходисаларини инцидент сифатида идентификация қилиш учун зарур бўлган маълумот миқдорининг катталиги сабабли, ушбу ходисаларнинг сабаби ва манбаларини аниқлаш хамда салбий оқибатларининг тарқалишида қийинчилик туғдиради, шунинг учун ушбу жараёнлар расмийлаштирилган ва автоматлаштирилган бўлиши зарур.

Ушбу ишнинг мақсади ахборот хавфсизлиги инцидентларини тахлил қилиш ва бахолашда автоматлаштириш орқали ва ахборот хавфсизлиги инцидентларини қайта ишлашда қарор қабул қилиш етарлилигини таъминлаш, ахборот таъминлаш жараёни хисобидан уларни аниқлаш, содир бўлган ахборот хавфсизлиги инцидентлари ва ходисалари маълумотлар базаси асосида таҳлил қилиш ва

баҳолаш самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш.

Ахборот хавфсизлиги инцидентларини унинг омиллари асосида бахолаш.

Дастлабки ахборот хавфсизлиги ходисаси идентификациясини ахборот хавфсизлиги инциденти сифатида бахолаш, инцидентнинг муайян бир турига кўрсатувчи ахборот хавфсизлиги ходисалари омиллари асосида амалга ошиши мумкин. Ахборот хавфсизлиги ходисаси омили бу – ахборот хавфсизлиги ишдан чиққанлигига ишора берувчи ахборот хавфсизлиги ходисаси аломати, хамда хавфсизлик билан боғлиқ кутилмаган ходиса рўй бериши. Ҳодиса омиллари ахборот хавфсизлиги инцидентлари тартиблаштирувчилар томонидан тизимни мониторинг қилиш жараёни ва режаланган текширувларда, ёки корхона ишчилари томонидан асосий иш вақтида техник воситалар орқали аниқланиши мумкин.

Тизимдаги салбий ходисалар, масалан ишнинг секинлашуви, дастурий таъминотнинг ишдан чиқиши ва х.к. ҳар доим ҳам ахборот хавфсизлиги инциденти бўлмайди, шу сабабли ушбу ходисалар омилининг фаол эканлигини тасдиқлаш мақсадида иккиламчи бахолаш ўтказилади. Иккиламчи бахолаш натижаларига қараб инцидентнинг рост ёки ёлғонлиги ҳақида қарор қабул қилинади.

Ахборот хавфсизлиги инцидентини идентификация қилиш мақсадида мутахассисга манбадан аниқланган ахборот хавфсизлиги ходисаларининг маълумотлари асосида ахборот хавфсизлиги инцидентлари омилларига мос белгиланган рўйхатда берилади. Ахборот хавфсизлиги инцидент омиллари рўйхати содир бўлган ходисалар маълумотлари базаси асосида тузилади ва доимий янгиланиб туради. Сўнгра мутахассис батафсил кўриб чиқиш мақсадида инцидентнинг турини танлайди. Танланган инцидент турига мос равишда дастур орқали унга сценарий қурилади.



3-расм. Ахборот хавфсизлиги инцидентларини баҳолаш усуллари

Инцидент сценарийларидаги салбий ходисаларнинг содир бўлиш эҳтимоллигини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$P_{HC}=h_i z_i$

Бу ерда P_{HC} ходисаларнинг содир бўлиш эҳтимоллиги, $i=1...n$, бу ерда n-инцидент сценарийсида салбий ходисаларнинг сони, h_i ходисанинг қайтарилиши, z_i инцидент сценарийсидаги салбий ҳодисаларни олдини олишга қаратилган химоя чораларининг натижавийлик коэффициенти.

Инцидентнинг алохида сценарий бўйича содир бўлиш эҳтимоллиги P_N қуйидаги формула орқали аниқланади:

$P_N=\prod_{i=1}^{n} h_i z_i$

Ахборот хавфсизлиги инцидентининг зарарли дастурий таъминотга тадбиқ қилиш инциденти мисолида алохида сценарий бўйича содир бўлиш эҳтимоллигини аниқлаш натижасида келтирилган.

Шундай қилиб, дастурий восита усули, химоя чораси даражаларини хисобга олган холда, кузатилган омилларга кўра мос ахборот хавфсизлиги инцидентини ажратиш, унинг эхтимолий сценарийларини кузатиш, инцидент содир бўлиш эхтимолини хисоблаш имконини беради. Шунингдек, дастур истеьмолчи томонидан аниқланмаган инцидентнинг содир бўлиши мумкин бўлган салбий ходисаларни кўриш имконини беради.

Ишлаб чиқилган дастурий восита, содир этилган ахборот хавфсизлиги инцидентлари ва ходисалари актуал маълумотлар базаси асосида, тизимда содир бўлаётган ахборот хавфсизлиги инцидентларини баҳолаш имконини беради. Шу орқали вақтни тежашда ва аниқланган ахборот хавфсизлиги инцидентларини қайта ишлашда етарли қарор қабул қилиш учун маълумотларнинг хаққонийлигини оширишга хисса қўшади.

Амалий вазифалар:

1. Ўз компьютеризданги керакли маълумотларни юқотиш рискларини аниқланг.
2. Рискни таъсирини аниқланг.
3. Рискга қарши курашиш стратегиясини тузинг.

Адабиётлар ва интернет сайтлари:

1. Мазов Н.А., Ревнивых А.В., Федотов А.М. Классификация рисков информационной безопасности // Вестник НГУ. Серия: Информационные технологии. 2011. №2. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/klassifikatsiya-riskov-informatsionnoy-bezopasnosti (дата обращения: 23.07.2020).
2. https://10guards.com/ru/articles/cyber-risks/
3. https://iqdecision.com/kiberbezopasnost-sovremennye-pravila-upravlenija-riskami/

2-амалий иш.
Симметрик ва ассиметрик криптотизимлар. Дискларни ва файлларни шифрлаш (2 соат)

Ишдан мақсад – киберхавфсизликни идентификация, аутентификация, авторизация ва рухсатларни назоратлаш этиш бўйича билим, кўникма ва компетенцияларини такомиллаштириш.

Назарий маълумот.

Симметрик криптотизимлар

Ушбу дарсда симметрик криптотизимлар, шунингдек уларнинг икки тармоғи: *оқимли* ва *блокли* симметрик шифрлаш алгоритмларига тўхталиб ўтилади. Ҳар иккала турдаги симметрик шифрлаш алгоритмлари ҳам маълумотларни шифрлашда ва дешифрлашда ягона калитдан фойдаланади. Уларнинг ўзаро фарқи эса маълумотларни шифрлаш ва дешифрлаш жараёнини амалга ошириш тартибида бўлиб, фойдаланилаётган тизим хусусиятидан келиб чиққан ҳолда танланади. Булар ҳақида ушбу маърузанинг сўнгида батафсил маълумот берилади.

Симметрик криптотизимлар билан батафсил танишишдан олдин, қуйидаги белгиланишларни билиш зарур:

- Очиқ матн *P* ни симметрик калит *K* билан шифрлаш: *C = E(P, K)*.
- Шифрматн *C* ни симметрик калит *K* билан дешифрлаш: *M = И(C,K*).

Бу ерда, £() ва £() лар мос равишда симметрик криптотизимдаги шифрлаш ва дешифрлаш функциялари.

Оқимли симметрик шифрлаш тизимлари

Симметрик оқимли шифрлаш алгоритмининг яратилиши бир мартали блокнотга асосланган бўлиб, ундан фарқли жихати - бардошлиги етарлича кичик (ва бошқариладиган) калитга асосланишигадир. Яъни, кичик узунликдаги калитдан очиқ матн узунлигига тенг бўлган кетма-кетлик ҳосил қилинади ва бир мартали блокнот сифатида фойдаланилади.

Оқимли шифр *n* битли калит *K* ни қабул қилади ва очиқматнни узунлигига тенг бўлган кетма — кетлик *S* га узайтиради. Кетма - кетлик S эса очиқ матн *P* билан *XOR*. амалида қўшилади ва шифрматн *C* ҳосил қилинади. Бу ўринда кетма-кетликни қўшиш бир мартали блокнотни қўшиш каби бир хил бўлади.

Оқимли шифрни қуйидагича содда кўринишда ёзиш мумкин:

StreamCipher(K*)* = S,

Бу ерда, *K* калит ва S эса натижавий кетма-кетлик. Шуни эсда сақлаш зарурки, бу ерда кетма-кетлик шифрматн эмас, балки бир мартали блокнотга ўхшаш оддий қатор.

Агар берилган кетма-кетлик S = $S_0,S_1,S_2,..$, ва очиқ матн $P = P_o,P_1,P_2,\ldots,$ берилган бўлса, мос битларни XOR амалида қўшиш орқали шифрматн битлари $C = c_0,c_1,c_2,\ldots,$ ни қуйидагича ҳосил қиламиз:

$$c_0 = Po \oplus S_0, C_1 = P_1 \oplus S_1, C_2 = p_2 \oplus S_2 \text{ , ...}$$

Шифрматн *C* ни дешифрлаш учун, яна кетма-кетлик S дан фойдаланилади:

$$P_0 = C_O \oplus S_O, P_1 = C_1 \oplus S_1, p_2 = C_2 \oplus S_2 \text{ , .}$$

Юборувчи ва қабул қилувчини бир хил оқимли шифрлаш алгоритми ва калит *K* билан таъминлаш орқали, иккала томонда бир хил кетма-кетликларни ҳосил

қилиш мумкин. Бироқ, натижавий шифр кафолатли хавфсизликка эга бўлмайди ва бунда асосий эътибор амалий томондан қўллашга қаратилади.

A5/1 оқимли шифрлаш алгоритми

Ушбу оқимли шифрлаш алгоритми GSM мобил алоқа тизимларида маълумотни конфиденциаллигини таъминлаш учун фойдаланилади. Мазкур алгоритм алгебраик тузулишга эга бўлсада, уни содда диаграмма билан ҳам тасвирлаш имконияти мавжуд.

A5/1 шифрлаш алгоритми учта *чизиқли силжитиш регисторларидан* иборат бўлиб, улар мос ҳолда X, Y ва *Z* каби белгиланади. *X* регистор ўзида 19 бит ($x_0,x_1,..,x_{18}$), Y регистор эса 22 бит ($У_о,У_1,---,У_{21}$) ва Z регистор эса 23 бит ($z_0,z_1,.,z_{22}$) маълумотни сақлайди. Учта регисторларнинг мазкур ўлчамдаги битларни сақлаши бежизга эмас, сабаби чизиқли силжитиш регисторлари ўзида жами бўлиб 64 битни сақлайди. Шу сабабли, A5/1 шифрлаш алгоритмида фойдаланилувчи калит *K* нинг узунлиги 64 битга тенг бўлади ва ушбу калит учта регисторни дастлабки тўлдириш учун фойдаланилади. Шундан сўнг, оқимли шифрлаш алгоритми талаб этилган узунликдаги (очиқ матн узунлигига тенг бўлган) кетма-кетликларни генерация қилиб беради. Кетма-кетликларни генерация қилиш тартибини ўзранишдан олдин, учта регисторлар ҳақида баъзи маълумотларни билиш талаб этилади.

X регистор силжиган вақтида, қуйидаги амаллар кетма-кетлиги бажарилади:

$$t = x_{13} \oplus x_{16} \oplus x_{17} \oplus x_{18}$$

$$i = 18,17,16,\ldots,1 \text{ учун } x_i = x_i = x_{i-1}$$

$$x_0 = t$$

Шунга ўхшаш, Y ва Z регисторлар учун ҳам қуйидагилар бажарилади:

$$t = У_{20} \oplus У_{21}$$

$$t = 21,20,19,.,1 \text{ учун } y_i = y_{i-1}$$

$$y_o = t$$

ва

$$t = z_7 \oplus z_{2O} \oplus z_{21} \oplus z_{22}$$

$$i = 22,21,20,\ldots,1 \text{ учун } z_i = z_{i-1}$$

$$z_0 = t$$

Берилган учта бит x, y ва z учун (x, y, z*)* функцияси уларнинг энг кўпини қайтаради. Агар x, y ва z битлар 0 га тенг бўлса, у ҳолда функция 0 ни қайтаради, акс ҳолда бирни қайтаради. Функцияга кирувчи битлар тоқ бўлгани учун, функция ҳар доим 0 ни ёки 1 ни қайтаради. Бошқа ҳолатлар бўлмайди.

A5/1 шифрида, кетма-кетликнинг ҳар бир битини генерация қилиш учун қуйидагилар бажарилади. Дастлаб, $m = maj/(x_8,y_{10},z_{10})$ функция қиймати ҳисобланади.

Шундан сўнг *x, y* ва z регисторлар қуйидагича сижитилади (ёки силжитилмайди):

- агар $x_8 = m$ га тенг бўлса, *X* силжитилади;
- агар $y_{10} = m$ га тенг бўлса, *У* силжитилади;
- агар $z_{10} = mга$ тенг бўлса, *Z* силжитилади.

Шундан сўнг, кетма-кетликнинг бир бити S қуйидагича генерация қилинади ва очиқ матн бити билан XOR амалида қўшилади (агар шифрланса) ёки шифрматн бити билан XOKR амалида қўшилади (агар дешифрланса).

$$S = S_{18} \oplus y_{21} \oplus 2_{22}$$

Юқорида келтирилган кетма-кетликдаги амаллар талаб этилганча

такрорланади (очиқ матн ёки шифр матн узунлигига тенг).

Агар бирор регистор силжитилганда, унинг тўлиқ ҳолати силжиш натижасида ўзгаради. Кетма-кетликнинг бир битини ҳосил қилишда учта регистордан камида иккитаси силжийди ва шунинг учун юқоридаги кетма-кетликни давом эттирган ҳолда янги битлар кетма-кетлигини ҳосил қилишимиз мумкин.

А5/1 оқимли шифрлаш алгоритми мураккаб кўринсада, қурилмада амалга оширилганда юқори тезликга эга бўлади. Умумий ҳолда А5/1 оқимли шифрни 1-расмдаги каби ифодалаш мумкин.



1-расм. А5/1 кетма-кетлик генератори

Мисол

Фараз қилайлик 64 битли калит *K* ни *x, y ва z* регисторларига бўлиб ёзиш натижаси қуйидагича бўлсин (2-расм).



2-расм. А5/1 кетма-кетлик генератори

Мазкур ҳолатда $maj/(x_8,y_{10},z_{10}) = \text{taj}(\ 1,1,0) = 1$ га тенг бўлади ва бу *X* ва *Y* регисторлар силжишини кўрсатади. Шунинг учун

$$t = x_{13} \oplus x_{16} \oplus x_{17} \oplus x_{18} = 0 \oplus 1 \oplus 1 \oplus 1 = 1$$

$$i = 18,17,16,\ldots,1 \text{ учун } x_i = x_i = x_{i-1}$$

$$x_0 = 1$$

Шунга ўхшаш, *Y* регистор учун ҳам қуйидагилар бажарилади:

$$t = y_{20} \oplus y_{21} = 0 \oplus 0 = 0$$

$$i = 21,20,19,\ldots,1 \text{ учун } y_i = y_{i-1}$$

$$y_o = 0$$

X ва *Y* регисторлари силжигандан кейинги ҳолат эса қуйидагича бўлади:



3-расм. A5/1 кетма-кетлик генератори

Силжиган ҳолатдан сўнги регисторлар ҳолатидан генерация бўлган бир бит $S = x_{18} \oplus y_{21} \oplus 2_{22} = 1 \oplus 0 \oplus 0 = 1$ га тенг бўлади. Шу тартибда, талаб этилган битлар кетма-кетлиги генерация қилинади.

Оқимли шифрлаш алгоритмлари ҳисоблаш қурилмалари ҳозирги кундаги каби ривожланмаган вақтларда жуда ҳам машҳур бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг ўрнини симметрик блокли шифрлар эгалламоқда. Бироқ шундай ҳолатлар мавжудки, оқимли шифрлар шубҳасиз зарур бўлади. Масалан, реал вақт тизимларидан бири GSM тармоғида маълумотларни шифрлашда блокли симметрик шифрларни қўллашнинг имкони йўқ. Сабаби, шифрлаш учун зарур бўлган бир блокни (блок узунлиги камида 64 бит бўлади) маълум вақтда тўплаши талаб этилади. Бу эса сўзлашувда тўхталишни олиб келади. Бундан ташқари, маълумотни шифрлаб узатиш жараёнида шифрматнга бўлган ўзгаришга (ташқи таъсирлар натижасида) симметрик оқимли шифрлаш бардошли саналади. Масалан, оқимли шифрлашда шифрматндаги бир битнинг ўзгариши очиқ матннинг ҳам бир битини ўзгаришига олиб келади. Симметрик блокли шифрларда эса бир битнинг ўзгариши бир блокнинг (масалан, 64 бит) ўзгаришига олиб келади. Бундан ташқари, симметрик оқимли шифрлаш блокли шифрларга қараганда кичик имкониятли қурилмаларни талаб этади.

Блокли симметрик шифрлаш алгоритмлари

Такрорий амалга оширилувчи блокли шифрлаш очиқ матнни фиксирланган (ўзгармас узунликдаги) блокларга ажратади ва шифрматннинг фиксирланган узунликдаги блокларини ҳосил қилади. Аксарият блокли симметрик шифрлар лойиҳасида, шифрматн - очиқ матнни функция *F* орқали бирор миқдордаги *раундлар* сони давомида такроран бажариш орқали олинади. Олдинги раунддан чиққан натижа ва калит *K* га асосланган *F* функция - *раунд функцияси* деб номланади. Бундай номланишига асосий сабаб, уни кўплаб раундлар давомида бажарилишидир.

Блокли симметрик шифрларни яратишдаги асосий мақсад - бу хавфсизлик ва самарадорликга эришишдир. Хавфсиз ёки самарали бўлган блокли шифрларни яратиш мураккаб муаммо эмас, бироқ, ҳам хавфсиз ҳам самарали бўлган симметрик блокли шифрларни яратиш - бу *санъатдир.*

Симметрик блокли шифрларни яратишда кўплаб *тармоқлардан* фойдаланилади. Улар орасида қуйидаги тармоқлар амалда кенг қўлланилади:

1. Фейстел тармоғи.
2. SP ((Substitution – Permutation network) тармоқ.
3. Лаи-Мессей тармоғи.

Маърузанинг давомида Фейстель тармоғи ва унга асосланган содда блокли

симметрик шифр билан танишиб ўтилади.

Фейстель тармоғи - бу айнан бир блокли шифр ҳисобланмай, симметрик блокли шифрни лойиҳалашнинг умумий принципи саналади. Фейстель тармоғига кўра очиқ матн блоки P тенг икки чап ва ўнг қисмларга бўлинади:

$P = (L_0, R_0)$,

ва ҳар бир раунд $i= 1,2,\ldots,n,$ учун янги чап ва ўнг томонлар қуйидаги қоидага кўра ҳисобланади:

$L=R_{i-1}$

$R_i=L_{i-1} \oplus F\ (R_{i-1}, K_i\ )$

Бу ерда, K_i калит i- раунд учун *қисмкалит* (раунд калити) ҳисобланади. Қисм калитлар эса ўз навбатида калит K дан бирор *калит генератори* алгоритми орқали ҳисобланади. Якуний, шифрматн блоки C эса охирги раунд натижаларига тенг бўлади, яъни:

$C = (L_п, R_п)$.

Фейстель тармоғида дешифрлаш XOR амалининг “сеҳргарлиги”га асосланади. Яъни, $i=n,\ n—1,..,1$ лар учун қуйидаги тенглик амалга оширилади:

$$R_{i-1}=L_i$$

$L_{i-1}= R_i \oplus F\ (R_{i-1}, K_i\ )$

Охирги раунд натижаси, дешифрланган матнни беради: $P = (L_0, R_0)$.

Ҳар бир раундда фойдаланилувчи Фейстел тармоғининг F функцияси қайтувчи (тескари функциясига эга) бўлиши талаб этилмайди. Бироқ, олинган ҳар қандай F функция тўлиқ хавфсиз бўла олмайди.

TEA блокли шифрлаш алгоритми

TEA (Tiny Encryption Algorithm) алгоритми Фейстель тармоғига асосланмаган бўлсада, содда ва унга ўхшаш алгоритмдир. Бошқа сўз билан айтганда шифрлаш ва дешифрлаш функциялари бир-биридан фарқ қилади.

TEA алгоритми 64-бит узунликдаги очиқ матн блоклари ва 128 битли калитдан фойдаланилади. Алгоритм 32 битли сўзлар билан амаллар бажаришга мўлжалланган ва шунинг учун $\mathrm{mod}2^{32}$ амалидан фойдаланилади. Ушбу алгоритмда раундлар сони ўзгарувчан бўлиб, хавфизлик нуқтаи- назаридан раундлар сони камида 32 га тенг олиниши шарт. TEA алгоритмининг ҳар бир раунди Фейстел тармоғининг икки раундига ўхшаш.

Блокли шифрларни лойиҳалашда раунд функциясининг мураккаблиги ва раундлар сонининг орасида баланс бўлиши лозим. Масалан, раунд функцияси содда бўлса, раундлар сони камроқ ёки аксинча бўлади. TEA алгоритми содда алгоритм бўлгани учун, бардошли бўлиши учун раундлар сонини катта танлаш зарур. TEA алгоритмининг шифрлаш функцияси қуйида келтирилган.

($K[0]$, $K[1]$, $K[2]$, $K[3]$)= 128 битли калит

(L, R)= очиқ матн блоки (64 бит)

$delta = 0x9e3779b9$

$sum = 0$

$for\ i$ =1 дан 32 гача

$sum = sum$ □ $delta$

$L = L + (((R \ll 4) + K[0]) \oplus (R + sum) \oplus ((R \gg 5) + K[1]))$

$R = R + (((L \ll 4) + K[2]) \oplus (L + sum) \oplus ((L \gg 5) + K[3]))$

кейиги i

шифрматн = (L, R)

Бу ерда “«” амали сонни чапга суриш амали ва “»” амали ўнга суриш амали

ҳисобланади. Масалан, иккилик кўринишдаги бир байтли сон “10110101” га тенг бўлса, у ҳолда ушбу сонни чапга 4 бирлик суриш натижаси “01010000” га тенг бўлади. Ушбу сонни S бирлик ўнга суриш натижаси эса “00000101” га тенг бўлади.

TEA алгоритми Фейстел тармоғига асосланмаган бўлсада (Фейстел тармоғида шифрлаш ва дешифрлаш функциялари бир хил бўлади), дешифрлашда ХОК амалининг ўрнига қўшиш ёки бўлиш амалларидан фойдаланилмайди. TEA алгоритмининг дешифрлаш функцияси қуйида келтирилган.

(K[0],K[1],K[2],K[3]) = 128 битли калит

(L, R) = шифр матн блоки (64 бит)

delta = 0x9e3779b9

sит = <delta « *5*

for= 1 дан 32 гача

R = R- (((L« 4) + K[2])⊕(L + Sит)⊕((L» *5)* + K[3]))

L = L- (((R« 4) + K[0])⊕(R + Sит)⊕((R»*5)* + K[1]))

Sит = Sит — <de1ta

Кейиги i

очиқ матн = (L, R)

Блокли шифрлар режимлари

Оқимли шифрлардан фойдаланиш жуда ҳам содда - очиқ матн (ёки шифрматн) узунлигига тенг бўлган калитлар кетма-кетлиги генерация қилинади ва XOR амалида қўшилади. Блокли шифрлардан фойдаланиш ҳам осон, фақат бир блокни шифрлаш. Бироқ, бир нечта (кўплаб) блокларни шифрлаш қандай амалга оширилади? Жавоб эса, бир қараганда осон эмас.

Фараз қилайлик қуйидаги очиқ матн блоклари берилган бўлсин: P_o, P_1, P_2,… Ўзгармас калит *K* учун блокли шифр бу - кодлар китоби ҳисобланади. Сабаби, блокли шифрлар очиқ матн блоки ва шифрматн блоки ўртасида ўзгармас боғланишни яратади. Кодлар китоби каби фойдаланилувчи блокли шифрлаш режими бу - *электрон кодлар китоби (electronic codebookmode, ECB)* режимидир. ECB режимида қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда маълумотлар блоклари шифрланади:

i = 0,1,2,… лар *учун* $= E(P_i K)$

Дешифрлаш учун эса қуйидаги формуладан фойдаланилади:

I = 0,1,2, ...лар *учун* $P_i = D(C_i, K)$

Ушбу ёндашув асосида блокли шифрларни самарали амалга оширса бўлади. Бироқ, мазкур ёндашувда жиддий хавфсизлик муаммоси мавжуд.

Фараз қилайлик ECB режимдан фойдаланган ҳолда маълумот шифрланди ва тармоқ орқали узатилди. Узатиш давомида ҳужумчи уларни тутиб олди ва шифрматн блоклари орасидан иккитасини бир-бирига тенглигини $(C_i = C_j)$ ни аниқлади. Бунинг натижасида эса, ҳужумчи аниқланган шифрматн блокларига мос очиқ матн блоклари ҳам бир-бирига тенг: $P_i = P$j. Албатта ушбу ҳолат шифрматнни топиш учун етарли эмас, лекин бир шифрматн блокига мос келган қолган блокларни аниқлаш имкониятини беради. Бундай ҳолларда ҳужумчи ҳақиқатда P_i ёки P_j очиқ матн блокларини аниқлай олмасада, унга алоқадор баъзи маълумотни ошкор этади. Мазкур ҳолатни график равишда тасвирлаганда 4-расмда кўрсатилгани каби бўлади. Бошқа сўз билан айтганда, расмнинг чап томондаги тасвирнинг ўхшаш ҳар блоки чап қисмида ҳам бир хил шифрматн блокига алмашган. Мазкур ҳолда ҳужумчини шифрматндан фойдаланган ҳолда очиқ матнни башорат қилиши мураккаб вазифа эмас.

4-расм. ECB режимида маълумотни шифрлаш натижаси

Бироқ, ECB режимида шифрлаш ва дешифрлаш амалларини паралеллаштириш имконияти мавжуд ва бу тезкорликни оширади. Бундан ташқари агар шифрматнни узатиш давомида блоклардан бирининг ўзгариши фақат шу блокни натижасига таъсир қилади. Яъни, фақат шу блокни ўзи зарарланади.

ECB режимида мавжуд муаммоларни бартараф этган режимлардан бири бу - *cipher block chaining* (CBC) режимидир. CBC режимида бир блокдан чиққан шифрматн кейинги очиқ матнни яшириш учун фойдаланилади ва шундан сўнг шифрлаш амалга оширилади. Мазкур режимда шифрлаш формуласи қуйидагича:

$$i = 0,1,2,\ldots \text{ лар учун } C_i = E(P_i \oplus C_{i-1}, K)$$

Дешифрлаш функцияси эса қуйидагича бўлади:

$$i = 0,1,2,\ldots \text{ лар учун } P_i = D(C_i, K) \oplus C_{i-1}$$

Биринчи блокни шифрлаш учун ундан олдинги шифрмат блоки бўлмагани учун, бошланғич вектор деб аталувчи (initialization vector IV) *IV* дан фойдаланилади ва у мантиқий томондан C_{-1} га ўзлаштиралади. Шифрматн блоклари махфий сақланмагани боис унга аналог бўлган, *IV* ҳам махфий сақланмайди. Бироқ, *IV* тасодифий равишда генерация қилиниши шарт.

IV дан фойдаланган ҳолда, биринчи блокни шифрлаш қуйидагича амалга оширилади: $C_0 = E(P_o \oplus IV, K)$.

Мос ҳолда биринчи блокни дешифрлаш эса қуйидагича амалга оширилади:

$$P_0 = D(C_o, K) \oplus IV.$$

CBC режимида маълумотларни ширфлаш ECB режимидан фарқли равишда бир хил очиқ матн блоклари турли шифр матн блокларига алмашинади ва бунинг натижасида 5-расм ҳолати қуйидагича бўлади (3- расм).



5-расм. CBC режимида шифрлаш натижаси

Агар CBC режимидан фойдаланиб шифрланган маълумотни узатиш давомида бирор битга ўзгариш бўлса, у ҳолда якуний ҳолат қандай бўлади? (бахтимизга ҳозирда бундай ҳолатлар кам учрайди) Фараз қилинсин шифрматннинг C_i блоки зарарланди: $C_i = C$. У ҳолда

$P_i \neq D(G, K) \oplus C_{i-1}$ *ва* $P_{i+1} \neq D(C_{i+1}, K) \oplus G$

Бироқ,

$$P_{i+2} = D(C_{1+2}, K) \oplus C_{1+1}$$

ва қолган блоклар тўғри дешифрланади. Яъни, бир блокнинг зарарланиши иккита блокга таъсир кўрсатади. Ундан кейинги блоклар эса ўзгармас сақланади.

Симметрик блокли шифрлаш алгоритмлари оқимли шифрлаш алгоритмларига қараган юқори ҳисоблаш имкониятини талаб этади ва шунга мос равишда юқори бардошликни таъминлайди. Симметрик блокли шифрлаш алгоритмлари оқимли шифрлар каби маълумот конфиденциаллигини таъминлаш учун фойдаланилади. Бундан ташқари блокли шифрлардан аутентификация масалаларида, маълумот бутунлигини таъминлашда кенг қўлланилади.

Симметрик криптотизимлардаги муаммолар

Симметрик шифрлаш тизимлари маълумотни шифрлашда ва дешифрлашда айнан бир калитдан фойдаланади. Бу эса тармоқ бўйлаб шифрланган маълумотни узатишдан олдин шифрлаш калитини узатишни таққазо этади. Бошқа сўз билан айтганда, *калитларни томонлар орасида хавфсиз узатиш* симметрик криптотизимлар олдидаги асосий муаммо саналади.

Бундан ташқари бир фойдаланувчи қолганлари билан маълумот алмашмоқчи бўлса, уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида калитларга эга бўлиши талаб этилади. Бу эса фойдаланувчига кўп сонли калитларни хавфсиз сақлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Симметрик криптотизимларда калит узунлиги

Амалда фойдаланиш учун криптографик тизимларнинг калит узунлигига қатъий талаблар қўйилади. Ушбу талаблар вақт ўтиши ҳисоблаш қурилмалари имкониятининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Криптотизимларда фойдаланилган калитни жорий вақтдаги ҳисоблаш қурилмалари орқали ҳисоблаб топишнинг имконияти бўлмаслиги зарур. Бу ерда калитни топиш деганда бирор

узунликдаги калитни бўлиши мумкин бўлган барча вариантларини ҳисоблаб чиқиш назарда тутилади. Масалан, калит узунлиги 4 битга тенг бўлса, у ҳолда бўлиши мумкин бўлган вариантлар сони $2^4 = 16$ га тенг бўлади ёки умумий қилиб айтганда *n* битли калитларни бўлиши мумкин бўлган вариантлари 2^n га тенг бўлади.

Ҳозирги кунда симметрик криптотизимларда фойдаланилувчи калитларнинг узунлиги камида 128 битли тенг бўлиши зарур. Қуйидаги 1- жадвалда турли узунликдаги калитларни бўлиши мумкин бўлган барча вариантларини ҳисоблаш учун турли қийматдаги қурилмалардан фойдаланганда сарфланадиган вақт сарфлари келтирилган. Кўрсатилган натижалар 2005 йилдаги нарх асосида келтирилган.

1-жадвал

Қурилма нархи	Калит узунлиги		
	80-бит	112-бит	128-бит
10 000 $	7 000 йил	10^{13} йил	10^{18} йил
100 000 $	700 йил	10^{12} йил	10^{17} йил
1 000 000 $	70 йил	10^{11} йил	10^{16} йил
10 000 000 $	7 йил	10^{10} йил	10^{1S} йил
100 000 000 $	24S кун	10^{9} йил	10^{14} йил

Ассиметрик шифрлар

Ассиметрик шифрлаш алгоритмлари

Симметрик криптотизимларга багишланган маърузада куриб утилгани каби, мазкур криптозимларга мавжуд муаммолардан бири бу - махфий калитни хавфсиз узатиш ва сакдашдир. Ушбу маърузада эса узида калитларни узатиш ва хавфсиз саклаш билан боглик муаммоларни бартараф этган ассиметрик ёки очик калитли криптотизимлар билан танишиб чикилади.

Очик калитли криптотизимларда маълумотни шифрлаш бир калит билан амалга оширилса (очик калит деб аталади), уни дешифрлаш бопща бир калит (шахсий калит деб аталади) билан амалга оширилади. Шунинг учун, очик калитли криптотизимлар симметрик криптотизимларда мавжуд бўлган калитларни таксимлаш муаммосини узида бартараф этган. Бирок, очик калитли криптографик тизимларнинг хам узига хос муаммоси мавжуд бўлиб, уни маъруза давомида тахдил килиб утамиз.

Очик калитли криптотизимларни яратишда *"цощонли ” бир томонлама функцияларга* асосланилади. Бу уринда “бир томонлама” иборасининг маъноси - функция бир томонлама осонлик билан хисобланади, бирок, ушбу функцияни тескарисини хисоблаш жуда хам мураккаб (яъни, хисоблаш мумкин эмас). Бу ерда "копконли” дейилишига асосий сабаб, хужумчи очик ахборотдан (масалан, очик калит) шахсий ахборотни (масалан, шахсий калитни) тиклашда фойдалана олмайди. Мазкур бир томонлама функцияларга мисол сифатида *факторлаш* амалини олишимиз мумкин. Яъни, туб бўлган иккита/? ва **д** сонларни генерациялаш ва **N = p * *q*** ни хисоблаш осон. Бирок, *N* сони етарлича катта бўлганда уни иккита туб соннинг купайтмаси шаклида ифодалаш мураккаб вазифа ва у юкори хисоблаш имкониятини талаб этади.

Симметрик калитли шифрларда очик матн ***P*** ни шифрлаймиз ва шифрматн ***C*** ни хосил килсак, очик калитли шифрлаш тизимларида хабар ***M*** шифрлаб, ***C*** шифрматнни хосил киламиз.

Очик калитли криптографик тизимлардан фойдаланиш учун, Б томон *очщ калит* ва унга мое бўлган *шахсий калит* жуфтига эга бўлиши талаб этилади. Б томоннинг очик калити кимга маълум бўлса, у маълумотни шифрлаб юбориши мумкин. Шифрланган хабарни очиш факат шахсий калит эгаси бўлган Б томонга мумкин бўлади.

Модул арифметикаси

Очик калитли криптотизимларни чукур урганишдан олдин уларнинг асоси хисобланган сонлар назарияси билан якиндан танишиб чикиш мухим хисобланади. Очик; калитли криптотизимлар асосан модул арифметикасига асослангани боис, дастлаб уларга тухталиб утамиз.

Ҳар кандай бутун сонни $m \epsilon z$ га бўлсак, бу сонга тайин бир қолдиқ

тўгри келади. Масалан, 5/2 = 2 ∗ 2 + 1 бўлиб, унда қолдиқ 1 га ва бутун кисм 2 га тенг бўлади. Криптографияда сонни сонга бўлгандаги қолдикқ*1* га тенг бў лса, у ҳолда қуйидагича белгиланади: $amodb \equiv r$. Дастурлаш тилларида эса a*%b* каби белгиланади.

Куйидаги қолдиқ арифметикасига оид мисоллар билан танишиб чиқилади:

- $7mod3 \equiv (3 * 2)\ mod3 + 1mod3 \equiv 0 + 1 \equiv 1$
- $14mod3 \equiv (3 * 4)mod3 + 2mod3 \equiv 0 + 2 \equiv 2$
- $2mod3 \equiv (0 * 3)mod3 + 2mod3 \equiv 2$
- $5mod7 \equiv 7$
- $-2mod5 \equiv (-2 + 5)mod5 \equiv 3mod5 \equiv 3$
- $-7mod3 \equiv (-7 + 3)mod3 \equiv -mod3 \equiv (-4 + 3)mod3 \equiv$

$-1mod3 \equiv (-1 + 3)mod3 \equiv 2$

Бундан ташкари очик калитли криптографияда соннинг модул бўйича тескарисини ҳисоблаш мҳхим ҳисобланади. Масалан, одатий математикада α сонининг тескариси 1/α га тенг бўлади. Модул арифметикасида эса сонининг модул бўйича тескариси $a^{-1}modn$ кўринишида белгиланади. Одатий математикада сонни унинг тескарисига купайтмаси бирга тенг бўлгани каби, модул арифметикасида хам сонинг унинг тескарисига модулдаги купайтмаси бирга тенг бўлади. Яъни, $a^{-1}modn \equiv$ b бўлса, у холда (a∗ b*)* $modn \equiv 1$ тенглик уринли бўлади.

Изоҳ. *Криптографияда модул сифатида (яъни, бўлувчи) фацат туб сонлардан фойдаланиш талаб этилади. Яъни,* $amodn$ *тенгликдаги ҳар доим туб бўлиши талаб этилади.*

Мисол тарикасида 3 сонининг 7 майдондаги тескарисини топиш талаб этилсин. Яъни, ни топиш талаб этилсин: $3^{-1}mod7 \equiv x$. Юқоридаги тенглик $(3* x)mod\ 7=1$ дан фойдаланиб, *x* нинг урнига сон кўйиб натижани хисоблаш мумкин. Лекин ушбу жараён куп вакт талаб этади (айниқса катта сонларда жуда хам кўп вақт талаб этади).

Ушбу муаммони ечишнинг куплаб усуллари мавжуд бўлиб, қуйида улардан бири бўлган қолдикдар тўгрисидаги *Евклиднинг кенгайтирилган алгоритмидш* фойдаланиб ечиш усули келтирилган.

Кенгайтирлган Евклид алгоритми. Кенгайтирлган Евклид алгоритми RSA криптотизими очик калити *«е»* - ни топишда $d * e \equiv 1(mod\varphi(n))$ тадаслама тенгламага луч келиниб, уни ечиш бевосита ax + by= *d,* *d*=ЭКУБ(a, b) тенглама бутун ечимларини топиш масаласига эквивалент хамда бу

алгоритмга кура берилган a - сонига $mod n$ буйича тескари элементни топиш имконини беради. Шунинг учун хам бу алгоритм ишлаш принципларини келтириб ўтамиз.

Теорема. Айтайлик, *a ва b* натурал сонлар, *d*= ЭКУБ (a, *b*) бўлсин. У холда шундай α *ва* β бутун сонлар топиладики

$\alpha * a + \beta * b = d$

тенглик уринли бўлади.

Демак, бу алгоритм нафакдт иккита натурал соннинг ЭКУБ -ни, балки ёйилмадаги, *а ва* β коэффицентларни хам топиш имконини берар экан. Шуниси билан хам аслида Евклид алгоритмидан фаркданади.

Кенгайтирилган Евклид алгоритмига мувофиқ топиладиган, *а ва* β бутун сонлар, куйидаги Диафант тенгламаси

$\alpha * a + \beta * b = d$

бутун ечимлари хисобланади. Бу эса эса бизга RSA алгоритми очик, ва махфий калитларини топиш имконини яратади. Шу сабабли бу алгоритм ишлаш кадамлари билан якиндан танишиб чикамиз.

Фараз килайлик, *а* ва b сонларнинг ЭКУБ - ни топишда куйидаги кетма-кетлик кдралаётган бўлсин:

$a = b*q_1 + r_1 \qquad r_1 = ax_1 + by_1;$

$b = r_1 * q_2 + r_2 \qquad r_2 = ax_2 + by_2;$

$r_1 = r_2 * q_3 + r_3 \qquad r_3 = ax_3 + by_3;$

…… ……

$r_{n-3} = r_{n-2} * q_{n-1} + r_{n-1} \qquad r_{n-1} = ax_{n-1} + by_{n-1}$

$r_{n-2} = r_{n-1} * q_n \qquad r_n = 0;$

Биз, бу ерда

$x_1, x_2, \ldots x_{n-1}$ ва $y_1, y_2 \ldots \ldots \ldots \ldots Y_{n-1}$

сонларини топишимиз керак. Бу сонлар куйидаги формула ёрдамида топилади:

$x_i = x_{i-2} - q_i x_{i-1}$ ва $y_i = y_{i-2} - q_i y_{i-1}$

бу ерда

$x_{-1} = 1$, $y_{-1} = 0$, $x_o = 0$, $y_o = 1$. Керакли маълумотларни куйидаги жадвал оркали бериш мумкин

қолди	бўлувч	x	
a	*	x	
b	*	x	
r_1	q_i	X	
r_2	q_2	x	
r_3	q_3	X	
		3	3
r_{n-2}	q_{n-2}	X	
r_{n-i}	q_{n-i}	X	

Жадвалда келтирилган охирги устундаги икки киймат биз излаётган альфа ва бетга коэффицентлардир, яьни, $a = x_{n-1}$, $p = y_{n-1}$ тенг бўлади.

Мисол. Евклид алгоритмини куллаб ЭКУБ (6188,4709) ва *a,β*- кийматлар топилсин.

Евклид алгоритми кадамларига мувофик;

6188=4709*1+1479, яъни r_1=1479

4709=1479*3+272, яъни r_2=272

1479=272*5+119, яъни r_3=119

272=119*2+34, яъни r_4=34

119=34*3+17, яъни r_5=17

34=17*2+0, яъни r_6=0

демак,

r_5=17 сони 6188 ва 4709 сонларининг ЭКУБ-деб эълон килинади, яъни ЭКУБ (6188,4709)=17 .

Кенгайтирилган Евклид алгоритмига кура:

6188*« + 4709 *^=17

α =?, β=? топайлик:

юкорида келтирилган ифодани куйидагича ёзиб оламиз:

17=119 - 34*3 3

4=272 - 119*2

119=1479 - 272*5

272=4709 - 1479*3

1479=6188 - 4709*1

ёки:

17= 119 - 3* (272 - 119*2)=7*119 - 3*272=7* (1479 - 272*5) - 3*272= =7*1479 - 38*272=7*1479 - 38* (4709 - 1479*3)=121*1479 - 38*4709= =121* (6188 - 4709) - 38*4709=121*6188 - 159*4709 , яъни

6188*121+4709* (- 159)=17; демак, α =121; β = - 159

Жавоб: α=121, β= - 159.

Мисол. $3^{-1}\ mod 7 \equiv x$ ни топиш талаб этилган бўлсин. Юкорида келтирилган алгоритмга кўра

7 = 3∗2 + 1

3 = 1∗3 + 0

Қолдиги нолга тенг бўлган тенгликдан олдинги тенгликдан бошлаб куйидагича тескари ёзиш амалга оширилади:

1 = 7 - (3 ∗ 2) = 7 + (-2 ∗ 3) = 7 ∗ 1 + (-2 ∗ 3)

Юкрридаги тенгликни икки томонини модулга *(*mod7*)* олинса куйидаги тенгликга эга бўлинади: ((7 ∗ 1)$mod 7$ +(-2 ∗ 3)$mod 7$)$mod 7$ ≡ 1$mod 7$ ёки (-2*3)$mod 7 \equiv 1$. Ушбу тенгликни (3 ∗x*)* mod 7=1 таккослаш оркали x = - 2 га тенглигини ёки —2mod 7 = 5 лигини топиш мумкин. Яъни, (3 ∗ 5*)* *mod 7* ≡ 1 тенгликни каноатлантиради. Жавоб 3^{-1} *(mod 7)*=5.

RSA алгоритми

RSA очик калитли шифрлаш алгоритми муаллифлари бўлган учта олимлар, Rivest, Shamir ва Adleman, шарафига куйилган. RSA алгоритми юкррида келтирилган катта сонларни факторлаш муаммосига асосланади.

RSA алгоритмида очик; ва шахсий калитлар жуфтини генерация килиш учуй иккита катта узунликдаги p ва *q* сонлари танланади ва уларнинг купайтмаси хисобланади: *N=p* *. Шундан сунг $\varphi(N)$= (p-1)*(*q*-1) билан заро туб бўлган, *e* сони танланади $\varphi(N)$ функция маъноси куйида келтирилган). Шундан сунг $\varphi(N)$ модулда *e* сонининг тескариси хисобланади ва у *й* га тенг бўлади. Шундан сунг бизда,

иккита туб сонларнинг (р ва q*)* купайтмаси N ва *ed* = 1 *mod* $\varphi(N)$ шартни каноатлантирувчи *е* ва *d* сонлари мавжуд. Шундан сунг, р ва *q* ларни эсдан чикарамиз (учириб ташлаймиз).

Бу ерда, N модул хисобланиб, (N, *е)* очик, калит жуфтини ва *d* махфий калитни ташкил этади. RSA алгоритмида шифрлаш ва дешифрлаш модул буйича даражага ошириш асосида бажарилади. RSA алгоритмида шифрлаш учун *M* хабарни сон куринишида ифодалаш талаб этилади ва *N* модул буйича *е* даражага кутарилади, яъни

$C = M^e \ mod \ N.$

С ни дешифрлаш учун уни ва N модул буйича шахсий калит *d* даражага кўтариш талаб этилади:

$M = C^d \ mod \ N.$

RSA алгоритми тугри ишлашининг тасдиги

Бошкд сўз билан айтганда RSA алгоритмида хабар очиқ, калит билан шифрланса ва шахсий калит дешифрланса, у холда $M = C^d$ той $N = M^{ed} \ mod \ N$ тенглик тўғрилигини исботлаш зарур?

Эйлер теоремаси. Агар х ҳақиқиқатдан n билан ўзаро туб бўлса, у ҳолда $x^{\varphi(n)} = 1 \ mod \ n$ га тенг бўлади. Бу ерда, $\varphi(n)$ – функция, n дан кичик ва у билан ўзаро туб бўлган сонлар миқдорини кўрсатади. Агар n сони туб бўлса,

у ҳолда $\varphi(n) = n$ - 1 га тенг бўлади.

Шунинг учун *ed* = 1 *mod* $\varphi(n)$ = 1 *mod* (р — *1)(q*— 1) тенглик каби ёзиш мумкин. Мазкур тенгликнинг тулик шакли аслида *ed* = 1 *mod* $\varphi(n)$ + *k* $\varphi(n)$ га тенг. Яъни, *ed* купайтмани $\varphi(n)$ га бўлганда *k* тадан тегиб, бир колдик колган. Шунинг учун ушбу тенгликни куйидагича ёзиш мумкин:

$ed — 1 = k \ \varphi(n)$

Ушбу тенгликлардан эса, RSA алгоритми тугри ишлашини тасдикдаш мумкин:: $C^d = M^{ed} = M^{(ed-1)+1} = M * M^{ed-1} = M * M^{k\varphi(N)} = M * 1^k = M \ mod \ N.$

Мисол

Келинг, RSA алгоритмида маълумотни шифрлаш ва дешифрлаш амалларини танлаб олинган (р = 11 ва *q* = 3) “катта” сонлар устида амалга ошириб курамиз. Мазкур ҳолда модул $N = p * q = 33$ га тенг бўлади ва φ(N) = (р — 1)((/ — 1) = 20 га тенг бўлади. У холда шифрлаш учун зарур бўлган даража *е* ни *(е* = 3) га тенг деб оламиз. Сабаби, 3 сони ў= 20 билан ўзаро тубдир. Шундан сунг, Эвклиднинг кенгайтирилган алгортми асосида дешифрлаш калитини *(q* = 7) аниклаймиз, яъни, *ed* = 3 * 7 = 1 *mod* 20. У холда А томоннинг очик калит жуфти (N, *е)* = (33,3) ва шахсий калити эса *d= 7* га тенг.

Шундан сунг, А томон узининг очик калитини барчага узатади. Бирок, шахсий калитини махфий сакдайди.

Фараз килайлик, Б томон А томонга *M* = 15 маълумотни шифрлаш юбормокчи. Бунинг учун Б томон А томоннинг очик, калити жуфтини *(N, е)* = (33,3) олади ва шифрматнни куйидагича хисоблайди:

$$C = M^e \ mod \ N = 15^3 = 3375 = 9 \ mod \ 33$$

ва уни А томонга юборади.

А томон *C = 9* шифрматнни дешифрлаш учун шахсий калит *d= 7* дан фойдаланади:

$M = C^a \ mod \ N = 9^7 = 4782969 = 144938 * 33 + 15 = 15 \ mod 33$

Агар RSA алгоритмида кичик туб сонлардан (р ва *q* учун) фойдаланилган такдирда, хужумчи очик бўлган N ни осонлик билан иккита туб соннинг

купайтмаси куринишига ёзиш мумкин. Шундан сунг, очик калитнинг иккинчи кием *e* дан фойдаланган холда, шахсий калит *d* ни хисоблай олади. Шунинг учун RSA алгоритмидан амалда фойдаланиш учун танланувчи туб сонлар узунлиги камида 2048 бит бўлиши талаб этилади. Бундан ташкари, RSA алгоритмини бузиш факат факторлаш муаммосига богликдиги исботланмаган. Бошка суз билан айтганда, RSA алгоритмини бузишнинг факторлаш муаммосини ечишдан ташкдри бирор усули аникданмаган.

Очиқ калитли криптотизимлардан фойдаланиш

Очик калитли криптграфик тизимлардан фойдаланиш масаласини куриб чикишдан олдин, куйидаги белгиланишларини билиш максадга мувофикдир.

А томоннинг очик калити билан хабар *M* ни шифрлаш: $C = \{M\}_A$.

A томоннинг шахсий калити билан шифрматнни дешифрлаш: $M = [C]_A$.

Бундан эса куйидаги тенгликни осонлик билан ёзиш мумкин: $[\{M\}_A]_A = M$. Бошка суз билан айтганда *M* хабарни А томонинг очик калити билан шифрлаб, кейин айнан шу томоннинг шахсий калити билан дешифрлаш амалга оширилса, яна уша хабар хосил бўлади.

Симметрик шифрлар билан бажарган ихтиёрий амалингизни, очик калитли шифрлаш алгоритмлари билан хам амалга ошириш мумкин. Бирок, жараён купрок вакт талаб этади. Масалан, тармокда маълумотни узатишда ва хавфеиз бўлмаган мухитда ахборот конфиденциаллигини таъминлашда симметрик шифрлаш алгоритмларининг урнига очик калитли криптогарфик тизимлардан фойдаланиш мумкин.

Бундан ташкари симметрик криптотизимлар каби очик калитли криптотизимлардан хам маълумотни бутунлигини таъминлашда фойдаланиш мумкин. Мазкур масала билан кейинги маърузада батафеил танишиб чикилади.

Очик калитли криптотизимлар симметрик криптотизимларда мавжуд бўлган калитни такеимлаш муаммосини узида бартараф этган. Ўз ўрнида симметрик криптотизимлар ҳам очик калитли криптотизимларга қараганда самарадорлиги билан ажралиб туради. Бопща суз билан айтганда, шифрлаш ва дешифрлаш амаллари очик калитли шифрлаш алгоритмларига нисбатан тезрок,

Ҳар иккала криптотизимларнинг афзалликларини бирлаштириш имконияти мавжудми? Яъни, маълумотни шифрлашда юкрри самарадорликка эга бўлган ва калитларни таксимлашда муаммоси бўлмаган криптотизимни яратиш мумкинми? Албатта, бунинг имконияти мавжуд ва бундай тизимлар *гибрид* криптотизимлар деб аталади. Гибрид криптотизимларда симметрик шифрлаш алгоритмининг калиги очик калитни шифрлаш оркали етказилса, маълумотнинг узи эса симметрик шифрлаш оркали химояланади. Гибрид криптотизим 1-расмда акс эттирилган.



1-расм. Гибрид криптотизим

Очиқ калитли криптотизимларда калит узунлиги

Симметрик калитли криптотизимларда бўлгани каби очик калитли криптотизимларда хам реал хдётда фойдаланиш учун калит узунлигига талаблар куиштди. Бундан олдинги маърузада симметрик криптотизимлар учун ушбу масалага тухталиб утилганди. Симметрик ва очик калитли криптотизимларнинг математик асоси турлича бўлгани боис, улар бир хил бардошлик даражасида бўлганда турли калит узунликларига эга бўладилар (1-жадвал).

1-жадвал

Симметрик ва очик калитли криптотизимлар бир хил бардошликка эга бўлганда улардаги калитларнинг узунликлари

Симметрик шифрлаш алгоритми	RSA алгоритми (p ва *q* сонлари)
56 бит	512 бит
80 бит	1024 бит
112 бит	2048 бит
128 бит	3072 бит
192 бит	7680 бит
256 бит	15360 бит

Симметрик криптотизимларда бўлгани каби очик калитли криптотизимларда хам калитларни барча вариатнларини аниклаш хисоблаш курилмалари имкониятига боглик, Яъни, ҳозирги кунда етарли деб қаралган калит узунлиги, бундан 10 йил утгандан кейин тавсия этилмаслиги мумкин. Чунки, 10 йил давомида ҳисоблаш курилмаларининг имкониятлари хозирги кундаги каби бўлмайди.

2-жадвалда RSA алгоритмидаги N модулнинг турли узунлигида факторлаш учуй талаб этилган вакт кийматлари курсатилган. Бунда натижалар бир секундда миллионта амал бажарувчи *(one-million-instruction-per-second, mips)* компьютер ёки йилига 10^{13} амал бажариши хисобида олинган. Факторлаш алгоритми сифатида GNFS (general number field sieve) дан фойдаланилган.

2-жадвал

N нинг битдаги узунлиги	Талаб этилувчи йиллар
512	30 000

768	$2*10^{8}$
1024	$3*10^{п}$
1280	10^{14}
1536	$3*10^{16}$
2048	$3*10^{20}$

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан шуни куриш мумкинки, ҳисоблаш қурилмалари имкониятининг ортиши криптографик алгоритмларнинг бардошлигини камайишига олиб келади. Бу таъсир ҳар иккала симметрик ва очиқ калитли криптотизимларга ҳам тегишлидир.

Идентификация.

Тизим ресурсларини бошкариш билан боғлик бўлган хавфсизлик муаммоси учун *рухсатларни назоратлаш* терминини “соябон” сифатида фойдаланиш бўлади. Мазкур сохага оид тушунтиришларни олиб борганда 3 та асосий мухим бўлган соха мавжуд: *идентификация, аутентификация* ва *авторизация.*

Идентификация - шахсни кимдир деб даво қилиш жараёни. Масалан, сиз телефонда узингизни танитишингизни идентификациядан ўтиш деб айтиш мумкин. Бунда сиз узингизни, масалан, “Мен Шерзодман” деб танитасиз. Бу уринда “Боходир” сизнинг *идентификаторингиз* бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, *идентификация* - субъект идентификаторини тизимга ёки талаб қилган субъектга тақдим этиш жараёни ҳисобланади. Бундан ташкари, электрон почта тизимида ҳам почта манзилни - *идентификатор* сифатида караш мумкин. Почта манзилини тақдим этиш жараёнини эса *идентификациялаш* жараёни сифатида караш мумкин. Электрон почта тизимида почта манзили такрорланмас ёки уникал бўлади. Шундан келиб чикиб айтиш мумкинки, фойдаланувчининг идентификатори тизим ичида уникал ва такрорланмасдир.

Аутентификация - фойдаланувчини (ёки бирор томонни) тизимдан фойдаланиш учун рухсати мавжудлигини аникдаш жараёни. Масалан, фойдаланувчини шахсий компьютердан фойдаланиш жараёнини олсак. Дастлаб киришда фойдаланувчи ўз идентификаторини (яъни, фойдаланувчи номини) киритади ва у орқали тизимга ўзини танитади (идентификация жараёнидан ўтади). Шундан сўнг, тизим фойдаланувчидан тақдим этилган идентификаторни хақиқийлигини текшириш учун паролни сурайди. Агар идентификаторга мос парол киритилса (яъни, аутентификациядан ўтса), фойдаланувчи компьютердан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бошқа сўз билан айтганда, аутентификацияни фойдаланувчи ёки субъектни хақиқийлигини текшириш жараёни деб айтиш мумкин.

Аутентификациядан ўттандан сўнг фойдаланувчи тизим ресурсидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бирок, аутентификациядан ўтган фойдаланувчига тизимда ихтиёрий амалларда бажаришга рухсат берилмайди. Масалан, аутентификациядан ўтган имтиёзга эга фойдаланувчи учун дастурларни ўрнатиш имкониятини берилиши талаб этилсин. Хўш, аутентификациядан ўтган фойдаланувчига кандай қилиб рухсатларни чеклаш мумкин? Мазкур масалалар билан айнан, авторизация сохаси шугулланади.

Авторизация - идентификация, аутентификация жараёнларидан ўтган

фойдаланувчи учун тизимда бажариши мумкин бўлган амалларга рухсат бериш жараёнидир.

Хавфсизлик сохасида терминлар стандартлаштирилган маъноларидан айри қўлланилади. Хусусан, рухсатларни назоратлаш кўп холларда авторизацияга синоним сифатида ишлатилади. Бирок, мазкур курсда рухсатларни назоратлаш кенгроқ қаралади. Яъни, авторизация ва аутентификация жараёнлари рухсатларни назоратлашнинг қисмлари сифатида қаралади.

Юқорида келтирилган атамаларга берилган таърифларни умумлаштирган холда қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Идентификация - сиз кимсиз?

Аутентификация - сиз хакикатдан ҳам сизмисиз?

Авторизация - сизга буни бажаришга рухсат борми?

Аутентификация

Аутентификацияда ёки идентификация жараёнларида субъектлар инсон кўринишида ёки қурилма (компьютер) кўринишида бўлиши мумкин. Яъни, инсон инсонни аутентификациядан ўтказиши мумкин, машина инсонни аутентификациядан ўтказиши мумкин ёки машина машинани аутентификациядан ўтказиши мумкин. Мазкур маърузада машина инсонни ёки машина машинани аутентификациядан ўтказиш сценарийларига асосий эътибор қаралади.

Машина инсонни қуйидаги “нарсалар” асосида аутентификациядан ўтказиши мумкин:

- *сиз билган бирор нарса (something you know);*
- *сизда мавжуд бирор нарса (something you have);*
- *сизнинг бирор нарсангиз (something you are).*

“Сиз билган бирор нарса” холатига парол мисол бўла олади. “Сизда мавжуд бирор нарса” холатига эса смарткарталар, токен, машинанинг пулти ёки калити мисол бўла олади. “Сизнинг бирор нарсангиз” холати одатда биометрик параметрларга синоним сифатида қаралади. Масалан, хозирда сиз ноутбук сотиб олиб, ундаги бармоқ изи сканери орқали аутентификациядан ўтишингиз мумкин.

Пароль - фақат фойдаланувчига маълум ва бирор тизимда аутентификация жараёнидан ўтишни таъминловчи бирор ахборот. Парол амалда аутентификация жараёнида кенг қўлланилувчи параметр ҳисобланади. Масалан, биз ўз шахсий компьютерларимиздан фойдаланиш хукукини олиш учун талаб этилган паролни киритишимиз талаб этилади. Мазкур холатни мобил телефонлар учун ҳам ишлатиш мумкин. Паролга асосланган холатдаги аутентификациялаш жараёнининг умумий кўриниши 1-расмда келтирилган.



1-расм. Паролга асосланган машина-инсонни аутентификациялаш жараёни

Паролга асосланган аутентификациялаш қуйидаги хусусиятларга эга:

- паролга асосланган аутентификацияни амалга ошириш қўлай (сарф харажати кам, алмаштириш осон);
- фойдаланувчи пароли одатда унга алокадор маълумот бўлади (масалан, унинг яхши кўрган футбол командаси, телефон раками ва хак.) ***(123456, 12345, дм>ег(у)*** ва шунинг учун "ҳужумчилар" томонидан аникланиши осон;
- мураккаб паролларни эсда саклаш мураккаб (масалан, ***}Де}(43}ЕттЬ+у);***
- паролга асосланган аутентификация усули амалда кенг қўлланилувчи усул.

Смарткарта ёки токен

Смарткарталар ёки қурилма кўринишидаги токенлар аутентификациялаш учун қўлланилади. *Смарткарта* - кредит карта ўлчамидаги қурилма бўлиб, кичик хажмдаги хотира ва ҳисоблаш имкониятига эга. Смарткарта одатда ўзида бирор махфий катталикни, калит ёки паролни, сақдайди ва хаттоки бирор ҳисоблашни амалга оширади. 2-расмда махсус мақсадли смарткарта ва уни ўқувчи қурилма (смарткарта ўқувчи курилма) акс эттирилган.

2-расм. Смарткарта ва смарткарта ўқувчи

Бирор нарса асосида аутентификациялаш усулларини турли кўринишларда амалга ошириш мумкин. Масалан, пароллар генераторини мисол қилиб олайлик. Пароллар генератори кичик қурилма бўлиб, тизимда киришда қўлланилади. Фараз қилайлик Алисада парол генератори мавжуд ва ундан фойдаланиб Бобдан аутентификациядан ўтмокчи. Бунинг учун Боб бирор тасодифий сон ***К*** ни ("саволни") Алисага юборади. Алиса қабул қилинган ***К*** сонини ва парол генераторидан фойдаланиш учун талаб қилинган ПИН ни парол генераторига киритади. Парол генератори эса Алисага жавобни тақдим этади ва у Бобга узатилади. Агар жавоб тўғри бўлса, Алиса аутентификациядан ўтади, акс холда ўта олмайди. Мазкур ценарийнинг умумий кўриниши 3-расмда келтирилган.



3-расм. Токенга асосланган аутентификация жараёни

Келтирилган схемага кўра, Боб ва парол генераторида тақсимланган калит ***K*** бўлиши шарт. Ушбу схемада “савол-жавоб” механизми ишлатилган. Яъни, савол сифатида Боб Алисага ***R*** сонини узатади ва унга мос бўлган жавоб - ***h(R, K)*** ни қабул қилади. Қабул қилган маълумотни текшириш орқали Боб Алисани хақиқийлигини текширади.

Смартакарта ёки “сизда мавжуд бирор нарса” асосида аутентификация усуллари қуйидаги хусусиятларга эга:

- смарткартага асосланган аутентификацияда бирор нарасани эсда сакдашни талаб этилмайди;
- амалга ошириш ва қурилма нархи юқори (хусусан, токен йўқолган такдирда уни алмаштириш қимматга тушади);
- токен ёки смарткартани йўқотиб қўйиш муаммоси мавжуд;
- токен хавфсиз олиб юрилса юқори хавфсизлик даражасини таъминлайди.

Биометрик параметрларга асосланган аутентификация

Биометрик параметрга асосланган аутентификация усулида биометрик параметр инсоннинг узи учун калит сифатида хизмат қилади. Жуда ҳам кўплаб биометрик параметрлар мавжуд, масалан, бармоқ изи, юз тасвири, кўз қорачиги, овоз, харакат тарзи, қулок шакли, қўл шакли ва хак. Биометрик параметрларга асосланган аутентификация усули амалда кенг қўлланилади. Масалан, кўп қаватли уйларни кириш эшикларида ёки ташкилотларга киришда бармоқ изига асосланган аутентификация усули, ноутбукларда ва мобил телефонларда юз тасвирига асосланган ёки бармоқ изига асосланган аутентификациядан кенг қўлланилади (4-расм).



Бармоқ изи Юз тасвири Куз корачиги Овоз

4-расм. Биометрик наъмуналарга мисоллар

Ахборот хавфсизлиги сохасида биометрик параметрлар паролларга караганда

юқори хавфсизликни таъминловчи алтернатив сифатида қаралади. Биометрик параметрларга асосланган аутентификация усули қуйидаги хусусиятларга эга:

- биометрик параметрга асосланган усул ўзида эсда сақдаш ва бирга олиб юриш заруриятини талаб этмайди;
- биометрик параметрга асосланган аутентификацияни амалга ошириш паролга асосланган усулдан қиммат ва токенга асосланган усулдан арзон ҳисобланади (баъзи, истисно холатлар мавжуд);
- биометрик парметрни алмаштириш имконияти мавжуд эмас, яъни, агар биометрик параметр қалбакилаштирилса, У холда аутентификация тизими шу фойдаланувчи учун тўлиқ бузилган ҳисобланади;
- турли биометрик параметрларга асосланган аутентификация усуллари инсонлар томонидан турли даражада қабул қилинади.

Аутентификация сохасида фойдаланиш учун идеал биометрик параметр қуйидагиларни қаноатлантириши шарт:

- *универсал бўлиши* - биометрик параметр барча фойдаланувчиларда бўлиши шарт;
- *фарқли бўлиш* - танланган биометрик параметр барча инсонлар учун фарқ қилиши шарт;
- *ўзгармаслик* - танланган биометрик параметр вақт ўтиши билан ўзгармай қолиши шарт;
- *тўпланувчанлик* - физик хусусият осонлик билан тўпланувчи бўлиши шарт. Амалда физик хусусиятни тўпланувчанлиги, инсоннинг жараёнга эътибор беришига ҳам боғлик бўлади.

Биометрик параметр нафақат аутентификация масаласини ечишда балки, идентификациялашда ҳам кенг қўлланилади. Яъни, “Сиз кимсиз?” деган саволга жавоб бера олади. Масалан, БЫ да жиноятчиларга тегишли бармоқ излари базалари мавжуд. Ушбу базада бармоқ излари ***(бармоқ изи тасвири, фойдаланувчи номи)*** шаклида сақданади ва бу орқали бирор инсонни жиноятчилар рўйхатида бор йўқлигини текшира олади. Бунинг учун, текширилувчи инсондан бармоқ изи тасвири олинади ва у РВ1 базасида мавжуд бўлса, у холда *текширилувчи инсоннинг номи* ***бармоқ изи тасвири****га* мос ***фойдаланувчи номи*** билан бир хил бўлади.

Бир томонлама ва икки томонлама аутентификация

Агар томонлардан бири иккинчисини аутентификациядан ўтказса, *бир томонлама аутентификация* деб аталади. Агар хар иккала томон бир-бирини аутентификациядан ўтказса, у холда *икки томонлама аутентификация* деб аталади. Масалан, электрон почтадан фойдаланиш давомида фақат сервер фойдаланувчини хақиқийлигини текширади (парол орқали) ва шу сабабли уни *бир томонлама аутентификациялаш* деб аташ мумкин. Электрон тўловларни амалга оширишда эса ҳам сервер фойдаланувчини аутентификациядан ўтказади ҳам фойдаланувчи серверни аутентификациядан ўтказади. Шунинг учун мазкур холатни *икки томонлама аутентификациялаш* деб айтиш мумкин.

Кўп факторли аутентификация

Юқорида келтирилган барча аутентификация сценарийларида фақат битта омил учун хақиқийликни текшириш амалга оширилди. Масалан, почтада киришда фақат паролни билсангиз сиз аутентификациядан ўта оласиз ёки киришда бармоқ изини тўғри киритсангиз, эшик очилади. Яъни, сервер фақат фойдаланувчидан

паролни ёки бармоқ изини тўғри бўлишини истаяпти. Мазкур кўринишдаги аутентификация - *бир факторли аутентификация* деб аталади. Бир факторли аутентификацияда текшириш фақат битта фактор бўйича (масалан, парол) амалга оширилади.

Бирок, бир факторли аутентификациялашни амалда жорий қилиш натижасида юқори хавфсизликни таъминлаш мумкин эмас. Масалан, овозга асосланган аутентификация тизимини олайлик. Агар ҳужумчи фойдаланувчини овозини диктафонга ёзиб олиб, уни аутентификациядаш ўтиш жараёнида тақдим этса, осонлик билан аутентификация тизимини алдаб ўтиши мумкин. Сабаби, фақат битта фактор (овоз) бўйича текшириш амалга оширилмокда. Шунга ўхшаш холатни паролга асосланган ёки токенга асосланган аутентификация жараёнида хам кузатиш мумкин.

Мазкур муаммони бартараф этиш учун, биринчи факторга кўшимча қилиб, яна бошка факторлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, овозга асосланган аутентификациялашда кўшимча қилиб паролдан фойдаланиш мумкин. Яъни, фойдаланувчи дастлаб тизимга ўз овози орқали аутентификациядан ўтади ва удан сўнг парол бўйича аутентификациядан ўтказилади. Хар иккала босқичда ҳам аутентификациядан муваффақиятли ўтилганда, фойдаланувчи тизимдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Кўп факторли аутентификациялашдан фойдаланишда хаётимизда хам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, пластик картадан тўловни амалга оширишда. Пластик картадан тўловни амалга оширишдаги аутентификация жараёни ўзида *“сизда мавжуд бирор нарса”* ва “*сиз билган бирор нарса”* усулларини бирлаштирган. Яъни, дастлаб фойдаланувчида пластик картани ўзини бор бўлишини талаб этади ва иккинчидан уни ПИН кодини билишни талаб этади. Шу сабабли, ушбу усулни *кўп факторли аутентификациялаш* деб айтиш мумкин.

Кўп факторли аутентификация усули факторлардан биттаси қалбакилаштирилган тақдирда хам аутентификация жараёнини бузилмаслигига олиб келади.

Аутентификация усулларига қаратилган ҳужумлар

Мавжуд аутентификация усулларини бузишда кўплаб ҳужум усулларидан фойдаланилади. Ушбу ҳужум усулларини аутентификация усулларига мос равишда қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. **Сиз билган бирор нарса.** Аутентификациялашнинг мазкур усулини бузиш учун қуйидаги ҳужум усулларидан фойдаланилади:

a. **Пароллар луғатидан фойдаланишга асосланган ҳужум.** Бунга кўра статистика бўйича энг кўп қўлланилувчи пароллар ёрдамида аутентификациядан ўтишга харакат қилинади.

b. **Паролларни барча вариантларини кўриб чикиш.** Ушбу усулда паролнинг бўлиши мумкин бўлган барча вариантлари генерация қилинади ва улар текшириб кўрилади.

c. **“Элка орқали караш” ҳужуми.** Ушбу ҳужум фойдаланувчи паролни киритиш жараёнида ёнида туриб қараб туриш орқали билиб олишни мақсад қилади.

d. **Зарарли дастурлар асосида ҳужум.** Шундай махсус дастурий воситалар мавжудки улар фойдаланувчи компьютерида ўрнатилиб, клавиатура орқали киритилган барча маълумотларни серверига узатади.

2. **Сизда мавжуд бирор нарса.** Аутентификациянинг мазкур усулини бузиш учун

қуйидаги ҳужум усулларидан фойдаланилади:

a. **Физик ўғирлаш.** Ҳужумнинг мазкур тури токенни ёки смарт картани ўғирлашни мақсад қилади. Мазкур ҳужум бу тоифдаги аутентификация учун энг хавфли ҳужум ҳисобланади.

b. **Дастурий кўринишдаги токенларнинг зарарли дастурларга бардошсизлиги.** Баъзи токенлар дастурий кўринишда бўлиб, мобил қурилмаларда ишлайди ва шу сабабли зарарли дастур томонидан бошқарилиши мумкин.

3. Сизнинг бирор нарсангиз. Аутентификациянинг мазкур усулини бузиш учун қуйидаги ҳужум усулларидан фойдаланилади:

a. **Қалбакилаштириш.** Ҳужумнинг мазкур тури биометрик параметрни қалбакилаштиришни мақсад қилади. Масалан, юзлари ўхшаш бўлган Хасан ўрнига Хусан аутентификациядан ўтиши ёки сифати юқори бўлган фойдаланувчи юз тасвири мавжуд расм билан тизимни алдашни мисол қилиш мумкин.

b. **Маълумотлар базасидаги биометрик параметрларни алмаштириш.** Ушбу ҳужум бевосита фойдаланувчиларни биометрик параметрлари (масалан, бармоқ изи тасвири, юз тасвири ва хак) сакданган базага қарши амалга оширилади. Яъни, танланган фойдаланувчини биометрик параметрлари ҳужумчини биометрик параметрлари билан алмаштирилади.

Аутентификация усулларига қаратилган ҳужумларии олдини олиш учун хар битта усулда ўзига хос қарши чоралари мавжуд. Умумий холда мазкур ҳужумларни олдини олиш учун қуйидаги химоя усуллари ва хавфсизлик чоралари тавсия этилади:

1. ***Мураккаб пароллардан фойдаланиш.*** Айнан ушбу усул паролни барча вариантларини текшириб кўриш ва луғатга асосланган ҳужумларни олдини олишга катта ёрдам беради.
2. ***Кўп факторли аутентификациядан фойдаланиш.*** Мазкур усул юкорида келтирилган барча муаммоларни бартараф этишда катта амалий ёрдам беради.
3. ***Токенларни хавфсиз сақлаш.*** Ушбу тавсия бирор нарсага эгалик қилишга асосланган аутентификация усулидаги мавжуд муаммоларни олдини олиш учун самарали ҳисобланади.
4. ***Тирикликка текширишдан фойдаланиш.*** Ушбу усул биометрик параметрларга асосланган аутентификациялаш усулларида тасвир орқали алдаб ўтиш ҳужумини олдини олиш учун самарали ҳисобланади.

Амалий бажариш учун вазифалар:

1. Идентификация, аутентификация ва авторизация тушунчаларига синквейн ёзинг.
2. Идентификация, аутентификация ва авторизация тушунчаларини Венн диаграммаси асосида таққосланг.
3. Паролни танлаш бўйича 10 та тавсия беринг.
4. Қўйидаги сайт асосида ўзингизни паролизни текширинг. https://zillya.ua/ru/check-password



5. Агарда пароллиз онсон бўлса, янги “яхши” паролни ўйлаб топиб, сайт асосида текширинг.

Адабиётлар ва интернет сайтлари:

1. Dileep Kumar G, Manoj Kumar Singh and M.K. Jayanthi. Network Security Attacks and Countermeasures. Indexed In: SCOPUS |Copyright: © 2016 |Pages: 357
2. Барабанов А.В., Дорофеев А.В., Марков А.С., Цирлов В.Л. Семь безопасных информационных технологий / Под. ред. А.С.Маркова. М.: ДМК Пресс, 2017. 224 с.
3. Девянин П.Н. Модели безопасности компьютерных систем. Управление доступом и информационными потоками. Учебное пособие для вузов. 2-е изд., испр. и доп. 2017 г. 338 стр.
4. Мельников В. Информационная безопасность Учебник. Издательство: КноРус. Год издания: 2018
5. Как проверить пароль на безопасность. https://habr.com/ru/post/21822/
6. https://zillya.ua/ru/check-password
7. https://password.kaspersky.com/ru/

3-амалий машғулот. Маълумотларни хавфсиз ўчириш, тиклаш ва барқарорлигини таъминлаш (4 соат)

Ишдан мақсад – киберхавфсизликда маълумотлар ва ахборотни тикланиш ва барқарорлиги таъминлаш бўйича билим, кўникма ва компетенцияларини такомиллаштириш.

Назарий маълумотр

Аппарат ва дастурий шифрлаш

Ахборотни криптографик ҳимояси, ҳусусан шифрлаш алгоритмларидан амалда кенг қўлланилади. Масалан, сақлаш қурилмаларида маълумотларни шифрлаш орқали сақлаш ёки тармоқ бўйлаб узатиладиган ахборотни шифрлаб узатишни мисол келтириш мумкин. Умуман олганда маълумотни шифрлашда маълум алгоритмдан фойдаланилади. Ушбу алгоритм бирор бир операцион тизим учун (масалан, Windows ОТ, Linux ОТ, Android ОТ) мўлжалланган дастур кўринишида ёки махсус қурилмада (масалан, махсус процессорлар, USB токен, смарт карта ва ҳак.) ёзилиши мумкин.

Аппарат шифрлаш – бу шифрлаш жараёни бўлиб, бунинг учун махсус ишлаб чиқилган ҳисоблаш қурилмасидан фойдаланилади. Унга мисол қилиб, ruToken USB шифратор қурилмасини олиш мумкин (1 - расм).

1-расм. Турли кўринишдаги ruToken USB шифратор қурилмаси

ruToken USB шифратор қурилмаси – россияда ишлаб чиқарилувчи қурилма бўлиб, унда асосан Россия федерациясининг криптографик алгоритмлари амалга оширилган. Масалан, рутокен S қурилмасининг умумий характеристикалари келтирилган:

- шифрлаш калитлари, ЭРИ калитлари ва турли сертификатларни хавфсиз сақлаш учун фойдаланилади;
- ушбу токендан фойдаланиш учун ПИН кодни киритиш талаб этилади;
- дискдаги маълумотларни шифрлаш учун қўлланилади;
- токенда меҳмон, фойдаланувчи ва администратор даражалари мавжуд;
- Microsoft Windows 10/8.1/2012R2/8/2012/7/2008R2/Vista/2008/XP/2003, GNU/Linux, Apple macOS/OSX муҳитларида фойдаланиш мумкин;
- 32, 64 ва 128 КБ хотирага эга EEPROM;
- USB 1.1 ва ундан юқори интерфейсга эга;
- 58х16х8мм (микро-токен 17,8х15,4х5,8мм) ўлчамга эга;

- 6,3г (микро-токен 1,6г) оғирликка эга.

Аппарат шифрлаш ўзига хос қуйидаги хусусиятларга эга:

- сақлагишда (қурилмада) жойлашган махсус процессордан фойдаланади;
- процессорда шифрлаш калитини генерация қилиш учун махсус калит генератори мавжуд бўлиб, фойдаланувчи киритган парол асосида қулфдан ечилади;
- асосий тизимни (қурилма уланган тизим, масалан, компьютер) шифрлаш учун фойданмаслик орқали, самарадорликка эришилади;
- калитлар ва бошқа махфий катталиклар аппаратда шифрлаш орқали ҳимояланган;
- аутентификация аппарат қурилмага нисбатан амалга оширилади;
- ўрта ва катта ҳажмдаги ташкилотлар шароитида юқори иқтисодий самарадорлик беради ва мададлашнинг оддийлиги;
- қурилмада амалга оширилувчи доимий мавжуд бўлган шифрлаш функцияси;
- қўшимча драйвер ёки дастурларни ўрнатишнинг ҳожати йўқ;
- маълумотлар кенг тарқалган ҳужум усулларидан, паролни тўлиқ танлаш усули, зарарли дастурни киритиш асосидаги ҳужумлар ва калитни топишга қаратилган ҳужумлардан, ҳимояланган;
- амалга ошириш дастурий воситага қараганда юқори нарх талаб этади.

Дастурий шифрлаш – бу компьютер воситаси ёрдамида дискларни, файлларни, каталогларни, турли маълумот сақлаш воситаларидаги ахборотни шифрлаш ва дешифрлаш жараёнини амалга оширади. Умумий ҳолда дастурий шифрлаш воситаларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- Дискни шифрлаш дастурий воситалари (Disk encryption software);
- Файл/ каталогни шифрлаш дастурий воситалари (File/folder encryption);
- Маълумотлар базасини шифрлаш дастурий воситалари (Database encryption);
- Алоқани шифрлаш дастурий воситалари (Communication encryption software).

Масалан, қуйидаги 10.2-расмда дискни шифрлашда фойдаланилувчи TrueCrypt дастурий воситасининг кўриниши келтиралган. Ушбу дастурлаш воситаси қуйидаги хусусиятларга эга:

- C, C++, Assembly дастурлаш тилларидан фойдаланиб ёзилган;
- Windows, macOS, Linux ОТларида фойдаланиш мумкин;
- 3.30 MB ҳажмга эга;
- ушбу дастурий восита AES, Serpent, ва Twofish блокли шифрлаш алгоритмларидан фойдаланилади.



2-расм. TrueCrypt дастурий воситаси

Бундан ташқари TrueCrypt дастурий воситасига ўринбосар сифатида Windows ОТда BitLocker дастурий воситасидан фойдаланилади.

3-расм. BitLocker дастурий воситаси

Дастурий шифрлаш ўзига хос бўлган қуйидаги хусусиятларга эга:

- шифрлаш учун бошқа дастурлар билан бир вақтнинг ўзида компьютер ресурсидан фойдаланади;

- компьютернинг ҳимояланганлик даражаси сақлагичнинг ҳимояланганлик даражасини белгилайди;
- фойдаланувчи томонидан киритилган парол маълумотни шифрлаш калити сифатида фойдаланилади;
- дастурни янгилаб туриш талаб этилиши мумкин;
- катта бўлмаган ташкилотлар учун фойдаланиш юқори иқтисодий самарадорлик беради;
- ихтиёрий маълумотни сақлаш турлари учун шифрлашни амалга ошириш имконияти мавжуд;
- паролни тўлиқ танлаш ҳужуми ёки паролни топишга қаратилган бошқа ҳужумларга бардошсиз;
- аппарат шифрлашга қараганда кам сарф харажат талаб этади.

Диск ва файл тизим сатҳида шифрлаш

Дискни шифрлаш. Бу жараён турли маълумотни сақлаш воситаларида (қаттиқ диск, юмшоқ диск, USB диск ва бош.) сақланган маълумот

конфиденциаллигини таъминлаш учун амалга оширилади. Бунда дискни шифрлашнинг аппарат ёки дастурий воситасидан фойдаланилиб, дискнинг ёки унинг бир бўлимининг (масалан, D диск) ҳар бир бити шифрланади. Ушбу жараён рухсат этилмаган фойдаланишдан назоратлашни мақсад қилади.

Full disk encryption (FDE) ёки ***whole disk encryption*** деб номланувчи дискни шифрлаш воситалари дискдаги барча маълумотларни шифрлайди ва бунда фақат операцион тизимнинг юкланиши учун зарур бўлган секторлар (***master boot record, (MBR)***) шифрланмайди. Баъзи қурилмага асосланган дискни шифрлаш воситалари (Hardware-based full disk encryption, FDE) эса MBR ни ҳам шифрлайди. Булар қуйидаги диск ишлаб чиқарувчи маҳсулотларида мавжуд:

- *қаттиқ диск ишлаб чиқарувчилар:* iStorage Limited, Seagate Technology, Hitachi, Western Digital, Samsung, Toshiba;
- *SSD туридаги диск ишлаб чиқарувчилар:* OCZ, SanDisk, Samsung, Micron, Integral Memory;
- *USB диск ишлаб чиқарувчилар:* Yubikey ёки iStorage Limited.

Қурилмага асосланган FDE икки ташкил этувчидан: қурилмага асосланган шифрлаш воситасидан ва маълумотни сақлаш қисмидан. Қурилмага асосланган FDE нинг ҳозирда учта кўриниши амалда кенг қўлланилади:

1. Hard disk drive (HDD) FDE.
2. Enclosed hard disk drive FDE.
3. Bridge and Chipset (BC) FDE.

HDD FDEлар одатда HDD ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилади. Бунда ишлаб чиқарувчилар *Opal Storage Specification* технологиясидан фойдаланадилар. Hitachi, Micron, Seagate, Samsung, ва Toshiba томонидан эса TCG OPAL SATA драйверидан фойдаланиш орқали дискни шифрлаш амалга оширилади.

Баъзи дискни шифрловчи дастурий воситалар томонидан *шаффоф шифрлаш (Transparent encryption)* усули фойдаланилади. Бу усулга кўра шифрлаш калити тақдим этилгандан сўнг автоматик равишда дискнинг барча манзилидан маълумот олиш мумкин.



4-расм. Windows ОТда BestCrypt дастурий воситаси кўриниши

Дискни тўлиқ шифрлаш усули алоҳида файл/ каталогни шифрлаш усулига қараганда қуйидаги афзалликларга эга:

- Деярли барча нарса, алмаштириш майдони (swap space), вақтинчалик файллар, шифрланади. Ушбу файлларни шифрлаш жуда муҳим бўлиб, одатда улар муҳим ахборотни ошкор қилиши мумкин. Дастурий восита кўринишидаги дискни шифрловчилар дастлабки юклаш кодини (bootstrapping code) шифрламайди. Масалан, BitLocker Drive Encryption ишга тушириш учун шифрланмаган соҳа қолдиради ва қолган соҳаларни тўлиқ шифрлайди.

- Ушбу усул фойдаланувчи шахсий хабарларни алоҳида шифрлашни утунган вақтларда жуда қўл келади.

- Зудлик билан маълумотларни йўқ қилиш, масалан, криптографик калитни йўқ қилиш мавжуд маълумотни фойдасиз ҳолатга келтиради. Бироқ, келажакдаги бўлиши мумкин бўлган маълумотларни тиклаш усулларига бардошли бўлиши учун дискни физик йўқ қилиш тавсия этилади.

Filesystem-level encryption, ёки *file-based encryption*, *FBE*, ёки *file/folder encryption* деб номланувчи шифрлаш усули дискни шифрлашнинг бир кўриниши бўлиб, файл тизими орқали файллар ёки каталоглар шифрланади. FBE шифрлаш ўз ичига қуйидагиларни олади:

- асосий файл тизимининг устида жойлашган криптографик файл тизимидан фойдаланиш (масалан, ZFS, EncFS);
- шифрлашни амалга оширувчи ягона умумий мақсадли файл тизими.
- Файл/ каталогни шифрлаш усули қуйидаги афзалликларга эга:
- файлга асосланган ҳолда калитларни бошқариш, яъни, ҳар бир файл учун турли калитлардан фойдаланиш;
- шифрланган файлларни алоҳида бошқариш бутун шифрланган дискни бошқаришдан кўра осонроқ;
- фойдаланишни бошқариш очиқ калитли криптографик тизимлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин;
- фақат криптографик калитлар хотирада сақланиб, шифрланган файллар очиқ ҳолатда сақланади.

Маълумотни йўқ қилиш усуллари

Ахборот хавфисзлигида маълумотни хавфсиз сақлаш қанчалик муҳим ҳисобланса, уларни хавфсиз йўқ қилиш ҳам шунчалик муҳим ҳисобланади. Сабаби, конфиденциал ахборотни тўлиқ йўқ қилинмаган тақдирда уни тиклаш имконияти сақланиб қолади. Ҳозирги кунда фойдаланилаётган барча маълумотларни йўқ қилиш усулларини ҳам ишончли деб айтиш қийин. Қуйида ҳам қоғоз кўринишидаги ҳам электрон кўринишдаги ҳужжатларни йўқ қилиш усуллари ва уларнинг хусусиятлари билан танишиб чиқилади.

Қоғоз кўринишдаги ҳужжатлар

Одатда қоғоз кўринишдаги ҳужжатларни йўқ қилишда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- майдалаш (шредер);
- ёқиш;
- кўмиш;
- кимёвий ишлов бериш.

Майдалаш. Ташкилотда раҳбарият рухсати билан ходимлар қўлида бўлган қоғоз кўринишидаги ҳужжатлар вақти ўтиб ўз кучини ёқотади ёки уларда арзимас маълумотлар сақлангани боис уларни йўқ қилиш зарурияти туғулади. Бироқ, мазкур ҳолда қиммат маълумот бўлса уларни тўлиқ йўқ қилиш талаб этилади. Майдалаш жараёни ушбу вазифани бажаришда кенг қўлланиладиган усуллардан

бири ҳисобланади. Бунда офис майдалагичи қоғозни турли кесишлар орқали уларни майдалайди (5-расм).

5-расм. Шредер Rexel Auto+ 90X

Майдалаш усулининг афзаллиги қуйидагилар:

- бир марта сотиб олиш билан узоқ вақт фойдаланиш мумкин;
- материалларни йўқ қилиш учун қўшимча жой талаб қилинмайди;
- махфий маълумотларни ҳам майдалай олади.

Ёқиш. Ёқиш орқали катта ҳажмдаги ҳужжатларни тезда йўқ қилиш мумкин. Маълумотни йўқ қилишнинг мазкур усули экологик томондан маъқулланмайди. Бундан ташқари ёқиш усули қуйидаги камчиликларга эга:

- ташкилот ичида ёки ташқаричида қоғозларини ёқиш учун махсус жой бўлиши талаб этилади;
- агар ёниш юқори шароитда махсус қозонхоналарда амалга оширилмаса, қаттиқ босилган папкаларни сақланиш эҳтимоли мавжуд;
- оловни ёқиш ва юклаш-тушириш амаллари ҳисобида ортиқча харажат талаб этади.

Кўмиш. Ушбу усул авваллари кенг фойдаланилган усул ҳисоблансада, ҳозирда камдан-кам ҳолларда фойдаланилади. Ушбу усул қоғоз маълумотларни тўлиқ йўқ қилиш имкониятини бермайди. Иқлими қуруқ ҳудудларда қозоғ маълумотларни йўқ бўлиши учун узоқ вақт талаб этилади. *Кимёвий ишлов бериш.* Юқори махфийлик даражасига эга ҳужжатларни йўқ қилишда юқорида келтирилган усуллари тўлиқ кафолатни бермайди. Кимёвий усул эса қоғоз кўринишидаги ахборотни 100% ишончлик билан йўқ қилиш имконини беради. Бунинг учун махсус кимёвий модда ва сувдан фойдаланилади. Ҳосил қилинган массани тиклашнинг умуман имкони мавжуд эмас. Ушбу усулнинг ягона камчилиги унинг нархи юқорилиги ва махсус жой талаб этилишидир.

Электрон ҳужжатларни йўқ қилиш

Электрон шаклда сақланадиган шахсий ва ташкилотга тегишли маълумотларга ноқонуний кириш усулларининг кўпайиши сабабли электрон оммавий ахборот воситаларига ишониш муаммосининг долзарблиги ошмоқда. Бунга мисол қилиб, Марказий разведка бошқармаси ва АҚШ миллий хавфсизлик агенти Эдвард Сноуденга тегишли янгиликларни олиш мумкин. Хусусан, 2013 йил июн ойининг бошида у NSAга тегишли ҳужжатларни ошкор қилди. Бунга кўра G20 саммитининг чет эллик меҳмонлари, шу жумладан Дмитрий Медведовни Америка ва Буюк Британия разведка идоралари томонидан кузатилаётгани айтилган. Махфий агентлар PRISM дастуридан фойдаланиб, ноутбук ва телефонларда сақланаётган шахсий маълумотларга киришни уддасидан чиқишган. Буюк

Биртания ҳукумати алоқа марказининг ходимлари BlackBerry кодини бузиб, қўнғироқларни тинглаш ва саммит иштирокчиларининг ёзишмаларини ўқиш имкониятига эга бўлишган.

Ўчириш дегани бу йўқ қилиш дегани эмас

Электрон воситалардаги маълумотлардан холос бўлишнинг энг осон йўли бу уни *Корзинка*га юбориш ёки янада радикал усули *форматлашдир.* Бу усул аксарият фойдаланувчилар томонидан ишончли усул деб қаралсада, аслида бундай эмас. Бу усул маълумотни физик йўқолишини таъминламайди. Бу ҳолда махсус дастурлар ёрдамида уларни қайта тиклаш имконияти туғилади (Recuva, Wise Data Recovery, PC Inspector File Recovery, EaseUS Data Recovery Wizard Free, TestDisk and PhotoRec, Stellar Data Recovery).

Ҳозирги кунда амалда электрон ҳужжатларни сақлагичлар сифатида қуйидаги турдаги воситалардан фойдаланиб келинмоқда:

- қаттиқ дисклар: ноутбук ва компьютердаги қаттиқ дисклар;
- магнит ленталар (захира нусхалашдаги);
- Флоппи-диск: 3.5, 5.25 дюмли ва бошқа;
- ZIP дисклар;
- Оптик дисклар: CD, DVD, Blue Ray ва HD DVD;
- Флеш хотиралар ва ҳак.

АҚШ ҳукуматида конфиденциал ахборотни сақлаш ва ўчириб ташлаш бўйича қатор норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган (Code of Federa Regulations). Масалан, АҚШнинг марказий архив марказларида электрон сақлагичдаги маълумотни йўқ қилишнинг қуйидаги учта усулидан амалда фойдаланилади:

Шредирлаш. Кучли саноат майдалагичлари деярли барча кўчма сақлагувчиларни: CD, DVD, дискет, магнит ленталар ва ҳак. Майдалаш натижасида буюмлар 25 ммли қисмларга бўлиб ташланади (6-расм).

6-расм. Шредирлаш жараёни

Магнитсизлантирмоқ. Махсус қурилма ичида жойлаштирилган сақлагичнинг хусусиятлари ўзгартирилади ва шу билан ўқиб бўлмаслиги таъминланади. Агар кучли магнитсизлантириш амалга оширилса маълумотлар сақлагичдан ўчирилади ва сақлагичнинг ўзи нейтрал маннит ҳолатига киради. Ушбу маълумотни йўқ қилиш усули даттиқ дискларни ва бази кўчма қурилмалар учун қўлланилади (7-расм).



7-расм. УЭ-02 қурилмаси

Амалий вазифалар.

1. Киберхавфсизликда маълумотлар ва ахборотни тикланиш ва барқарорлиги таъминлаш бўйича тавсиялар билан танишинг. Маълумотларни тикланиш дастурини топиб, флешкадаги маълумотларни ўчириб, тикланг.

Захира нусхалаш



Маълумотларни йуколиш сабаблари



Захира нусхалаш имкониятлари



Захира нусхалаш стратегияси режаси

Маълумотларни захира нусхалашнинг идеал стратегияси тўғри маълумотни танлашдан бошлаб кафолатли маълумотни тиклаш жараёнигача бўлган босқичларни ўз ичига олади.



Зарур ахборотни аниқлаш



Захира нусхаларни сақловчи воситалар

RAID (Redundant Array of Independent Disks) технологияси

RAID технологиясининг афзаллиги ва камчилиги

Афзаллиги	Камчилиги:
Унумдорлик ва ишончлилик (“Қайноқ алмаштириш” (Hot-Swapping))	Асосан серверларда фойдаланиш учун лойиҳаланган
Хатоликни назоратлаш	Мос келмаслик
Маълумот ортиқчалиги (маълумотни нусхалаш)	Маълумотни йўқолиши
Дискларни навбатланиши	Қайта қуришнинг узоқ вақт олиши
Тизимни ишлаш давомийлиги	Нархнинг юқорилиги

RAID 0: дискни навбатланиши

- RAID 0 маълумотни блокларга бўлиб, **бир қанча қаттиқ дискда**уларни ёзади.
- У IO унумдорлигини юкламани кўплаб канал ва диск драйверларига бўлиш орқали яхшилайди.
- Агар диск бузилса, маълумотни **тиклаб бўлмайди**.
- Камида **иккита диск** талаб қилинади.
- Маълумотни **бузилишидан ҳимоялаш** имконияти мавжуд эмас.
-

RAID 1: Дискни акслантириш

- Маълумотни кўплаб нусхалари бир вақтда **бир нечта дискларда** ёзилади.
- У маълумотни **нусхалаш орқали** йўқолиш хавфини камайтиради.
- Агар бир диск бузилса, **маълумотни тиклаш** мумкин.
- Камида **2 та диск** талаб этилади.

RAID3: Дискни навбатланиши ва хатоликни назоратлаш

1. Маълумотлар бир нечта дискларда байт сатҳида ажратилган ҳолда ёзилади. Ҳар бир тўпламда бир диск назорат битларини (улар асосида маълумотни тиклаш мумкин) сақлайди.
2. Агар диск бузилишга учраса, назорат битлари сақланган диск орқали уларни тиклаш ва хатолигини тузатиш мумкин.
3. Назорат битлари бир нечта дискларда сақланади.
4. Камида 3 та диск талаб қилади.



RAID5: Блокни вақти-вақти билан тақсимланган назоратни бошқариш

- Маълумотлар бир нечта дискларда **байт сатҳида ажратилган ҳолда** ёзилади ва назорат битлари ҳам улар ичидата қсимланади.
- Маълумотни **ёзиш жараёни тезлиги паст**.
- Камида ушбу сатҳда **3 та диск** талаб этилади.



RAID10: Блокларни навбатлаш ва акслантириш

- RAID10 сатҳи гибрид сатҳ бўлиб, RAID1 ва RAID0 сатҳларидан иборат ва камида 4та дискни талаб этади.

- RAID10 сатҳининг унумдорлиги RAID1 никидан юқори ва RAID1 каби бузилишга чидамли.
- RAID1нинг акслантириши ва RAID0 нинг навбатланишидан иборат.



RAID50: Бир қанча RAID сатҳлари бўйлаб акслантириш ва навбатлаш

- RAID50 сатҳ 0 сатҳли **навбатлаш** ва 5сатҳли **тақсимланган маълумотни тўлиқлигини назоратлашдан** иборат.
- RAID50 сатҳини созлаш учун камида **6та диск** талаб этилади.
- Диск зарарланган вақтда "**қайноқ алмаштириш**" ёрдамида уни алмаштириш мумкин.
- Умумий ҳолда RAID50 сатҳи RAID5 сатҳини **ёзиш** ва **бузилишга қарши** ҳимояланган кўриниши ҳисобланади.



Зарур RAID сатҳини танлаш

RAID	Дискдан фойдаланиш	Бузи-лишга бардош-лиги	Катта маълумотлар трансфери	IO даражаси	Маълумот фойдаланув-чанлиги	Асосий камчилиги
Ягона диск	Бир хил 100%	Йўқ	Яхши	Яхши	Ягона дискнинг MTBF даври	Диск бузилса, маълумот йўқолади
RAID 0	Аъло 100%	Ҳа	Жуда яхши	Жуда яхши	Дискнинг паст MTBF даври	
RAID 1	Ўртача 50%	Ҳа	Яхши	Яхши	Яхши	Диск ҳажмидан 2

						марта кам фойдаланиш
RAID 3	Яхши-жуда яхши	Ҳа	Жуда яхши	Яхши	Яхши	Диск бузилса, маълумот йўқолади
RAID 5	Яхши-жуда яхши	Ҳа	Яхши-жуда яхши	Яхши	Яхши	Диск бузилса, кам ўтказувчанлик
RAID 0+1	Ўртача 50%	Ҳа	Яхши	Жуда яхши	Яхши	Диск ҳажмидан 2 марта кам фойдаланиш
RAID 1+0	Ўртача 50%	Ҳа	Жуда яхши	Жуда яхши	Жуда яхши	Жуда қиммат, кенг кўламли эмас
RAID 30	Яхши-жуда яхши	Ҳа	Жуда яхши	Аъло	Аъло	Жуда қиммат
RAID 50	Яхши-жуда яхши	Ҳа	Яхши-жуда яхши	Аъло	Аъло	Жуда қиммат

Мос захира нусхалаш усули танлаш

